БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

№ 36 (4135).
13 ФЕВРАЛЬ, 1980 й.
ЧОРШАНБА
Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлади.
Баҳоси 2 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ТОНГГИ ГАЗЕТАЛАРДА

● ЧКП Марказий Комитетининг Бош секретари, ЧССР Президенти Густав Гусак бошчилигидаги расмий дўстона визит билан Вьетнам, Кампучия ва Лаосга бораётган Чехословакия партия-ҳукумат делегацияси 12 февраль куни Тошкентда қисқа вақт тўхтаб ўтди.

● Расмий дўстона визит билан Ҳиндистонга бораётиб Тошкентда тўхтаб ўтган КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР ташқи ишлар министри А. А. Громико 12 февралда Деҳлига учиб кетди.

● Кеча Тошкентда Ленин номли Бутуниттифоқ Қишлоқ хўжалик Фанлари академияси (ВАСХНИЛ) Ўрта Осиё бўлимининг умумий йиллик йиғилиши бўлиб ўтди.

Йиғилишда ВАСХНИЛ Ўрта Осиё бўлимининг 1980 йилги илмий-тадқиқот ишлари плани тасдиқланди.

● 1980 йил 12 февраль куни Совет Иттифоқида Ернинг навбатдаги сунъий йўлдошлари «Космос—1156», «Космос—1157», «Космос—1158», «Космос—1159», «Космос—1160», «Космос—1161», «Космос—1162», «Космос—1163» учирилди. Барча тахминга йўлдош битта учирувчи ракета ёрдамида орбитага чиқарилди.

Йўлдошларнинг учига космик фазони тадқиқ қилишни давом эттириш учун мўлжалланган илмий аппаратлар ўрнатилган.

24 февраль СОВЕТЛАРГА САЙЛОВЛАР КУНИ



● Киров районидаги 6-сайлов участкасининг коллективи республика Олий Советига ва халқ депутатлари маҳаллий Советларига бўладиган сайловларга қизғин тараддуд кўрмоқда. Участка агитаторлари меҳнат коллективларида, ташкилотлар ва муассасаларда, билим юртларида бўлиб, қизиқарли мавзуларда суҳбатлар ўтказмоқдалар, сайловчиларни қизиқтирган саволларга жавоб бермоқдалар.

СУРАТДА: участка агитаторларидан Вера Рагулина, Абдували Ансарохунов ва Мунира Муҳамедова.

Е. Ботиров фотоси.

ПОЙТАХТИМИЗНИНГ БИР КУНИ

● ЛЕНИНЧА МЕҲНАТ ВАХТАСИДА

● «ҚИЗИЛ ШАНБАЛИК» ТАРАДДУДИ

● БУНЁДКОРЛАР ТУҲФАСИ

19 АПРЕЛЬ—КОММУНИСТИК ШАНБАЛИК КУНИ

СИФАТ БЕЛГИСИ БИЛАН

БУГУН

шампан винолари заводининг В. И. Ленин туғилган кунининг 110 йиллигига бағишлаб коммунистик шанбалик ўтказиш штаби 19 апрель куни қилинадиган ишлар режасини коллективга маълум қилди. Унда жумладан, коммунистик шанбалик куни 24 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариш ва реализация қилиш, ҳамма маҳсулотни давлат Сифат белгиси билан таъйёрлаш таъкидланган. Завод бўйича кунлик топшириқ деярли 130 процент бажарилади, шу куни тежалган электр қуввати ва ёнилғи билан ишланади.

Корхонада москвалик илғор саноат корхоналари коллективларининг апрель ойининг учинчи шанбасида В. И. Ленин туғилган кунининг 110 йиллигига бағишлаб коммунистик шанбалик ўтказиш бўйича бошланган ташаббусини қўллаб-қувватлашга бағишланган митингда фильтрловчи О. Шермуҳамедов, технолог Ҳ. Мирбобоев, корхона комсомол ташкилотининг секретари Б. Турсунов ўртоқлар нутқ сўзлаб, бутун коллективни меҳнат байрамига пухта тайёргарлик кўришга ва уни намунали ўтказишга чақирдилар.

Шанбалик куни инженер-техник ходимлар ва хизматчилар корхона территориясини ободонлаштиришади.

Шу кунги 480 сўм иш ҳақи беш йиллик фондига ўтказилади.



Иноят Ашурова Тошкент тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмасининг доҳий юбилейи шарафига зарбдор вахтада туриб ишлаётган пешқадам тикувчиларидан бири. У смена нормасини мунтазам 30 процент ошириб адо этмоқда.

Ҳ. Суннатуллаев фотоси.

● Қурилиш майдонида

1983 ЙИЛ ҲИСОБИГА

Р. Гайнулин бошлиқ бригада аъзоларини Меҳнат Қизил Байроқ орденли 159-қурилиш трестидагина эмас, балки Тошкент шаҳри қурилиши Беш бошқармасида ҳам жуда ҳурмат қилишади. Чунки пешқадам бинокор станчилик қилаётган коллектив йил сайин қувончли ютуқларни кўлга киритиб, қурилишда юксак сифат ва меҳнат унумдорлигига эришишга муваффақ бўлаётир.

9-қурилиш бошқармасининг Ринат Гайнулин бошқараётган бригадаси шу кунларда «Марказ—5» кварталида тўққиз қаватли диспетчерлик пункти биносида графикдан ўзган ҳолда ишламоқда.

— Барча тошкентлик бинокорлар сингари биз ҳам В. И. Ленин туғилган кунининг 110 йиллигини мукосиб меҳнат совғалари билан нутиб олишга аҳд қилдик, — дейди бригада бошлиғи. — Доҳий туғилган кунгача беш йиллик бошидан буён саккиз йиллик планни адо этишга сўз бердик.

БУГУН

БРИГАДА ЎЗ МЕҲНАТ КАЛЕНДАРИДА 1983 ЙИЛНИНГ ИККИНЧИ КВАРТАЛИНИ КУТИБ ОЛДИ.

* * *

ПАРДОЗ ИШЛАРИ АВЖИДА

Сергелида 58-автоматтелефон станцияси қурилмоқда. Объектни Урта Осиё транспорт қурилиши трестига қарашли 209-қурилиш бошқармаси барпо этмоқда. Куни кеча бу ерда умумий бинокорлик ишлари тугалланиб, пардозлаш бошлаб юборилди.

Қурувчилар автоматтелефон станцияси қурилишини В. И. Ленин туғилган кунининг 110 йиллигигача фойдаланишга топширишга сўз беришди.

Шунингдек, пойтахтимизнинг «Халқлар дўстлиги» майдони, Сегизбоев кўчасида ҳам автомат-телефон станциялари қурилмоқда.

САЙЛОВЧИЛАР БИЛАН УЧРАШУВ

Кеча Собир Раҳимов район партия комитетининг мажлислар залида Ўзбекистон ССР Олий Советига сайлов ўтказувчи 37-Қорақамиш сайлов округи сайловчиларининг республика давлат ҳокимиятининг олий органига депутатликка номзоди кўрсатилган, Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети раиси В. О. Козимов билан учрашув бўлиб ўтди.

Учрашувни Собир Раҳимов район партия комитетининг биринчи секретари З. Н. Абдураҳимов кириш сўзи билан очди.

Ўртоқ Л. И. Брежнев бошчилигидаги КПСС Марказий Комитетининг Сиёсий бюроси якдиллик билан фахрий президиумга сайланди.

В. О. Козимовнинг ҳаёти ва фаолияти ҳақида номзоднинг ишончли вакили «Промстройматериал»и трести бош инженерининг ўринбосари В. К. Сарсания тапирди.

Телефон алоқа тармоғининг электр-механиги А. Т. Эгамбердиева, педиатрия илмий-текшириш институтининг лаборатория мудири Э. И. Салимов, 10-шаҳар касалхонаси врачи В. Ф. Швецов, 159-ўрта мактаб ўқитувчиси Н. Г. Братчикова, райондаги маҳалла ва уй комитетларининг вакиллари сўзга чиқиб, шаҳар ва Собир Раҳимов район меҳнаткашларини кўлга киритаётган ғалабалари, хўжалик ва маданий ривожланиш ҳақида гапирдилар. Улар сайловчиларни шу йил 24 февраль куни коммунистлар билан партиясизларнинг мустаҳкам блоки учун, пойтахт меҳнат коллективларининг муносиб вакиллари учун овоз беришга чақирдилар, наказлар бердилар.

Йиғилиш аҳли томонидан самимий кутиб олинган В. О. Козимов нутқ сўзлади. У шаҳар меҳнаткашларининг меҳнатда эришган ютуқлари, шаҳарда олиб борилаётган капитал ва уй-жой қурилишларининг, соғлиқни сақлаш системаси, транспорт ҳамда аҳолига маданий-маиший хизмат кўрсатиш тармоқларининг ривожланиши ҳақида батафсил тўхталди. Учрашувга йиғилган меҳнат коллективларининг вакилларига, республика давлат ҳокимиятининг олий органига унинг номзоди кўрсатганликлари учун миннатдорчилик изҳор этди ва юксак ишончларини оқлаяжакларини айтди.

БЕЖИРИМ ПОЙАФСАЛ КЎПАЯДИ

Доҳий В. И. Ленин туғилган кунининг 110 йиллигини муносиб кутиб олиш учун умумхалқ социалистик мусобақасига қўшилган 2-пойафсал фабрикаси меҳнатчилари маҳсулот сифатига алоҳида эътибор беришяпти.

БУГУН

корхонада тайёрланаётган тўққиз моделдаги баҳорги-ёзги пойафзалга давлат Сифат белгиси берилди.

Эндиликда фабрика фахрли беш қиррали белги билан ишлаб чиқараётган буюмлар 20 тага етди. Бунга маҳсулот турини тез-тез янгилаш, замонавий моделларни кўпайтириш, технология жараёнларини такомиллаштириш туфайли эришиляпти. Коллектив шу йилнинг ўзида 70 моделда пойафзал ишлаб чиқаришни ўзлаштиради ва савдо ташкилотларига салкам 19 миллион сўмлик маҳсулот етказиб беради.

● Шаҳар— қишлоққа

ЧОРВАДОРЛАР УЧУН

БУГУН

4-дон маҳсулотлари комбинати омухта ем цехи коллективининг йил бошидан бери ишлаб чиқариб, чорвадорларга жўнатган маҳсулоти 5 минг тоннага етди. Коллектив меҳнатни юксак уюшқоқлик асосида ташкил этиб, ҳозир графикдан анча ўзиб меҳнат қилаяпти.

Цех азаматлари москвалик илғор саноат корхоналари коллективларининг В. И. Ленин туғилган кунининг 110 йиллигига бағишлаб коммунистик шанбалик ўтказиш бўйича ташаббусини корхонада биринчилардан бўлиб қўллаб-қувватладилар. Шу куни улар унумли меҳнат қилиб, буюртмачиларга 150 тоннадан ортиқ сифатли озуқа ем юборишга аҳд қилдилар. «Қизил шанбалик» куни тежалган ёнилғи ва электр қуввати эвазига маҳсулот ишлаб чиқарилади.

Пешинги гайтларда цехда ишлаб чиқариш самарадорлиги бирмунча ўсди. Хом ашё берувчи, уни майдаловчи линия механизациялаштирилиб, оқсил моддаларни узатувчи конвейер ишга туширилди. Янги туғилган чўчқалар учун махсус компанентли ем ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

Цехда тайёрланаётган маҳсулот сифати чорвадорларга тўлиқ манзур бўлмоқда. Шунинг учун ҳам бу ердаги маҳсулотга бўлган талаб тобора ортиб бормоқда. Коллектив бу йил 46 минг тонна маҳсулот тайёрлайди. Бу беш йиллик бошидагидан 2 минг тонна кўпдир.

● Вагонлар бир минут бекор турмасин

ИШНИ ҚАЙТА ТАШКИЛ ЭТИШ ВАҚТИ КЕЛДИ

Тошкентдаги кўпгина саноат корхоналари ва ташкилотларнинг раҳбарлари шу кунларда темир йўл орқали уларнинг адресига келаётган юкларни тез белгиланган нормативлар муддатларда тушириб олиш учун барча чораларни кўришяпти. Аммо, вазифа ниҳоятда оғир: юклар темир йўлда белгиланган вақтдан бир минут ҳам ортиқ қолиб кетмаслиги керак.

Мана шу муҳим халқ хўжалик вазифасини ўз фаолиятини КПСС Марказий Комитети ноябрь (1979 йил) Пленумининг темир йўл транспорти ҳаракатини тезлаштириш тўғрисидаги талабларига жавобан қайта ташкил этишни истамаётган айрим коллективлар айби билан тўла ҳал этиб бўлмаяпти.

Жумладан, трактор заводи (завод директори И. Мусин) адресига келган икки вагон 11 февралдан буён Ялангўч станциясида турибди. Вагонлардан бирида тракторлар учун эҳтиёт қисмлар, иккинчисида ойна бор.

Шакар ортилган уч вагон ҳам ана шунча вақтдан бери Кодирия станциясида «Ўртоқ» фабрикаси (директори А. Шарипов) кондиционерларини кутиб ётибди. Эҳтимол, бу маҳсулот корхонага керак эмасдир?..

Сергели станциясига тара ортилган икки вагон 10 февралда келган эди. Негадир, «Тошкентпиво» бирлашмаси (директори Г. Гуржиев) вагонларни бўшатмаяпти.

Қурилиш материаллари саноатининг тажриба-механика заводи (директори В. Цибусов) «Қизил тўқимачи» станциясига келган ўз юкларини сусткашлик билан олиб кетмоқда. Уч вагоннинг юки тўрт кундан бери тўла туширилгани йўқ. Юк туширишнинг бундай суръатларига йўл қўйиб бўлмайди.

Кеча Тошкент станцияларида юки туширилмаган 17 вагон қолиб кетди.

ТОШКЕНТ — ЖАҲОНГА

БЕЛГИЛАНГАН МУДДАТДА

Ўтган йили Венгрия, Чехословакия, Куба, Франция ва Лаос каби ўндан ортиқ мамлакатга Тошкент экскаватор заводи маркаси қўйилган машиналар юборилди.

БУГУН

ЗАВОД ИШЧИЛАРИ ЧЕХОСЛОВАКИЯ ВА МОНГОЛИЯ БУЮРТМАСИГА КЎРА 22 ТА ЭКСКАВАТОРНИ БЕЛГИЛАНГАН МУДДАТДА ТАЙЁРЛАБ ҚЎЙИШДИ.

Шаҳримиз экскаваторсозлари бу йил экспорт учун кўплаб машиналар ишлаб чиқаришади. Ҳозирнинг ўзида турли мамлакатлардан 130 та экскаватор тайёрлаб бериш учун буюртма олинди.

БУТУНИТТИФОҚ КИНОФЕСТИВАЛИГА

БУГУН

«Ўзбекфильм» киностудиясида Бутуниттифоқ кинофестивалига тақдим этиладиган фильмлар аниқланди.

Бу кинофестиваль апрель ойининг биринчи ярмида Душанбе шаҳрида ўтказилади. Ўзбек кинематографчилари ана шу санъат кўригига учта фильмни танлашди.

Таниқли кинорежиссёр, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган санъат арбоби Латиф Файзиевнинг Ҳиндистонлик ҳамкасблар билан тайёрлаган «Али бобо ва қирқ қароқчи» фильми катта давра эътиборига ҳавола этилаётган асарлардан биридир. Унда Шарқ халқларининг қадимий эртаги асосида юз берадиган саргузаштли воқеалар экран тили билан ҳикоя қилинади.

Машҳур ўзбек боксчиси, жаҳон чемпиони Руфат Рисқиев фаолиятига бағишланган картина «Ринг чақиради» деб аталади. Эдуард Хачатуров режиссёрлик қилган бу картинада жаҳон чемпионининг ўзи актёр сифатида қатнашган.

Режиссёр Нозим Тўлахўжаевнинг «Сақродаги кўл» мультипликацион фильми Душанбега юбориладиган учинчи картина.

НАМУНАЛИ АГИТПУНКТ

А. С. Пушкин номли 119-ўрта мактаба жойлашган 30-36-сайлов участкасида сайловга тайёргарлик ишлари қизғин олиб бориляпти. Сайлов участкаси кечқурунлари кишилар билан гавжум. Мактабга кираверишда қизил алвонга «24 февраль Ўзбекистон ССР Олий Совети ва маҳаллий Советларга сайловлар куни», «Ҳамма сайловга» деган шиорлар кўзга яққол ташланади. Мактаб биносини айланиб юрибмиз. Бу ерда ҳар хил стендлар бор. «Москва — Ватанимиз пойтахти», «Икки дунё — икки хил манзара», «Совет турмуш тарзи», «КПССнинг иқтисодий сиёсати», «Ҳур республикалар иттифоқи», «Комсомол йилномаси», «Комсомол — 62 ёшда», «Комсомолни қутлаб», «Гўзаллик оламида», «Рус тили — А. С. Пушкин тили» каби стендлар дид билан ишланиб безатилган. Кундалик газета-журналлар, радиоприёмник, телевизор кўйилган. Л. И. Брежневнинг «Тикланиш», «Кичик ер», «Қўриқ» асарлари ва текстлари ёзилган пластинкалар, «В. И. Ленин ва Ўзбекистон ССР» деб номланган Ленин ҳақидаги эсдалик пластинкалари бор.

— Сайлов участкамизда, — дейди мактаб директори, агитпункт мудири Далабой Турсунов, — 78 агитатор бўлиб, булар орасида Камол Асомов, Моҳира Шарипова, Мастура Абдуллаева, Светлана Гавриловна Аветисова, Эра Аҳмедовна Газизова, Мансур Камолов каби энг тажрибали агитаторлар бор. Улар ўз участкаларида Совет сайлов системаси ҳақида агитация-пропаганда ишларини юқори савияда олиб бориб, сайловчилар рўйхатини биринчилар қаторида тузиб чиқдилар.

Сайлов участкасидан «Мевазор», «Мустаҳкам», «Қизил кўприк» маҳаллаларидаги сайловчиларидан 38 сайловчи биринчи бор овоз беради. Коммунистлардан Убай Шарипов — «Қизил кўприк», Мансур Камолов — «Мустаҳкам», Аркадий Маркович Новак — «Мевазор» маҳаллалари агитаторларига оммавий-сиёсий ишларни олиб боришда раҳбарлик қилаяптилар. Чоршанба ва шанба кунлари сайлов участкасига биркитилган Собир Раҳимов район юридик консультациясининг аъзоси Азиза Нажимовна Абдураҳмонова сайловчилар ва агитаторларга совет сайлов системаси ҳақида консультация бериб туради. Сайловчилар рўйхати анча барвақт тузиб бўлинди.

Сайлов участкасини оталиққа олган Тошкент шаҳар ижроия комитети қошидаги моддий-техника таъминоти бошқармаси коллективи (бошлиғи Тошпўлат Расулев) сайлов участкасини жиҳозлашда катта ёрдам беряпти.

Яқинда мактабда «Мустаҳкам», «Мевазор», «Қизил кўприк» маҳаллаларидаги сайловчилар билан КПСС Марказий Комитетининг ноябрь Пленуми материаллари ҳақида суҳбат ўтказилди. Бунда агитпункт мудири Д. Турсунов ва участка сайлов комиссияси раиси ўринбосари Э. Маъдиев докладлари тингланди. Яна КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежнев «Правда» газетаси мухбири саволларига берган жавоблари сайловчилар томонидан тингланди.

Яқинда 243-мактаб директори район Совети депутати Насиба Нишонова, 7-болалар поликлиникаси врачи Ранса Евгеньевна Нетевенко билан учрашув ўтказилди. Улар сайловдан-сайловгача Собир Раҳимов районида бўлган ўзгаришлар ҳақида сўзлашдилар. Шунингдек, Собир Раҳимов район прокуратураси ходими А. Юнусов, район ички ишлар бўлими бошлиғи, милиция подполковниги И. Иброҳимовлар совет фуқароларининг ҳуқуқ ва бурчлари, жамоатчилик тартибини сақлашда меҳнаткашларнинг иштироки ҳақида суҳбат ўтказдилар.

Ҳ. ИНОҒОМОВ.

Ишчанлик вазиятида

Шу кунларда шаҳримизда Ўзбекистон ССР Олий ва маҳаллий Советларга бўладиган сайловларга тайёргарлик ишлари тобора қизғин тус оляпти. Тошкент темир йўл транспорти инженерлари институтида жойлашган сайловчилар клубида бўлган киши буни яна бир бор ҳис этади.

Клубда бир неча бор лекция ва суҳбатлар ўтказилди. Айниқса, доцент Т. Қудабековнинг «КПСС XXV съезди социалистик демократиянинг тараққиёти тўғрисида», институт партия комитети секретари А. Шереевнинг «Ленин районини ва унинг истиқболлари», доцент А. Усмоновнинг «Ўзбекистон ССР Олий Совети ва маҳаллий Советларга сайловлар тўғрисидаги қонуни» ҳақидаги лекциялари сайловчилар ўртасида катта таассурот қолдирди.

Агитаторлар шу кунларда маҳаллаларда тез-тез бўлишиб КПСС Марказий Комитетининг 1979 йил ноябрь Пленуми ҳамда В. И. Ленин туғилган кунининг 110 йиллигига бағишланган суҳбатлар ўтказишмоқда.

Клубда қизил бурчак ташкил этилган бўлиб, бу ерда истаган газета ва журналларнинг янги сонлари билан танишишингиз ва шахмат-шашка ўйнаб маданий хордиқ чиқаришингиз мумкин.

МАДАНИЯТ ХАБАРИ

«ГЎЗАЛ»НИНГ САФАРИ

БУГУН

Муҳиддин Қориёқубов номидаги Ўзбекистон Давлат филармониясининг «Гўзал» ашула ва рақс ансамбли Туркманистонга жўнаб кетади.

Ансамбль коллективи қўшни республиканинг санъат иҳлосмандлари учун қизиқарли концерт программаси тайёрлади. Уларнинг репертуаридан СССР халқларининг қўшиқ ва рақслари, Ўзбекистон композиторларининг янги асарлари кенг ўрин олган. Тошкентлик санъаткорлар Туркманистоннинг шаҳар ва қишлоқларида бўлиб, ўн беш марта концерт кўрсатишади.



Фан ва техника бўйича СССР Давлат комитети ва Қурилиш, йўл ва коммунал машинасозлиги министрлиги СССР Мелиорация ва сув хўжалиги министрлиги ҳамда оғир машинасозлик ишчилари касаба союзи Марказий Комитети билан келишиб, Тошкент экскаватор заводи ишлаб чиқараётган «Э—304 Г» экскаваторини ўтган йилнинг энг яхши машинаси деб топди.

Бу машина ботқоқлик ерларни қуритишда тупроқ ишларини бажариш, мелиорация каналларини тозалаш учун мўлжалланган. У Болтиқ бўйи республикалари, Ноқоратупроқ зона, Сибирь, Узоқ Шарқ, Узоқ Шимол ва бошқа районларнинг механизаторларига маъқул бўлди.

СУРАТДА: Венгрияга жўнатиш учун платформаларга ортилган «Э—304 Г» экскаваторлари.

А. Усмонов ва Р. Шамсуддинов фотоси. (ЎзТАГ).

телетайп лентасидан

● ХАНОЙ. Шимолий Вьетнамнинг Лангшон вилояти 1-даражали «Мустаҳкамлик медали» билан мукофотланди. Вилоятга, шунингдек халқ қуролли кучлари қаҳрамони деган фахрли ном берилди. Лангшон Хитой агрессиясига қарши курашда ва социалистик ватанни ҳимоя қилишда эришган муваффақиятлари учун шу номга сазовор бўлди.

● Париж. Францияда январь ойида нарх-навоғўрта ҳисобда 2,2 процент ошган. Умуммеҳнат конфедерациясининг маълумотларига кўра, ўтган ой охирида ижара ҳақи 4, медицина хизмати ҳақи қарийб 3 процент ошган. Озиқ-овқат маҳсулотлари декабрь ойидагига нисбатан 1,8 процент қимматлашган.

● ҚОҲИРА. Бенҳа вилоят марказига яқин Қоҳира — Искандария катта тош йўлида катта автомобиль ҳалокати рўй берди. Ўққизта юк машинаси ва енгил автомобиллар тўқнашганлиги натижасида 7 киши ўлган, ўн бир пассажир оғир аҳволда касалхонага олиб келинган.

Миср матбуотининг маълумотларига кўра, ана шу магистралда ҳар йили ҳаммаси бўлиб беш мингдан ортиқ киши ҳалок бўлмоқда ва қарийб 40 минг киши майиб бўлиб қолмоқда.

● БРАЗЗАВИЛЬ. Патрис Лумумба номидаги Халқлар дўстлиги Москва университетининг нўғигина битирувчилари Конго Халқ Республикасида экономиканинг турли соҳаларида, маориф ва соғлиқни сақлаш системасида муваффақият билан меҳнат қилмоқдалар.

Халқлар дўстлиги университети жаҳонда мислсиз ўқув юрти бўлиб, барча қитъалардаги ривожланаётган мамлакатлар учун юқори малакали мутахассислар тайёрлаб бермоқда, деди ТАСС мухбири билан суҳбатда университетнинг собиқ битирувчиси, ҳозир Конго Меҳнат партияси Марказий Комитети олий партия мактабининг философия ва илмий социализм ўқитувчиси Ганушия-Пану Мукунай. Шу университетнинг экономика ва ҳуқуқ факультетида турли фанлардан чуқур ва кенг билим олдим. Мен Совет Иттифоқи ҳақида — олий маълумот тўғрисидаги дипломни олган мамлакат ҳақидаги энг яхши хотираларимни доимо ёдимда сақлайман, деди Ганушия-Пану Мунунай.

● ТОКИО. Марказий Японияннинг Сидзуока префектурасидаги Хамамацу темир йўл станцияси ишчилари вокзални реконструкция қилиш ишлари вақтида омбор топиб олдилар. Бу омборда «Англияда ясалган», 1885 йил» деган тамға босилган ўн тонна темир йўл рельси бор эди.

Маълум бўлишича, темир йўл изларини 90 йилдан ҳам аввал темир йўл линияларидан бирини қуриш учун Японияга келтирилган экан. Бироқ, нима учундир улар фойдаланилмай қолаверган.

(ТАСС).

САЙЛОВДАН—САЙЛОВГАЧА

Республика Олий Совети ва халқ депутатлари маҳаллий Советларига сайловларга тайёргарлик якунловчи босқичга кирмоқда. Шу кунларда юксак ишчанлик ва сиёсий активлик вазиятида Советларнинг, ижроия комитетларининг, депутатларнинг сайловчилар олдидаги ҳисоботларн ўтмоқда. Сайловдан сайловгача ўтган давр пойтахтимиз меҳнаткашлари ташаббускорлигининг нақадар серқирралигини, уларнинг чексиз имкониятларини яна бир карра намойиш этди.

Советларга сайловлар эришилган ютуқларга якун ясаб, тошкентликларнинг ўнинчи беш йиллик якунловчи босқичидаги режаларн, уларнинг В. И. Ленин туғилган кунининг 110 йиллигини, коммунистик қурилишнинг яни уфқларини очиб берадиган КПСС XXVI съездини муносиб кутиб олиш учун интилишида ўзига хос босқич бўлади.

Қуйида эълон қилинаётган материаллар бундан аввалги республика ва маҳаллий органларнинг давлат ҳокимиятига бўлиб ўтган сайловлардан кейин шаҳримизнинг хўжалик ва маданий тараққиётида содир бўлган ўзгаришлар ҳақида ҳикоя қилади.

ФАКТ ВА РАҚАМЛАР ҲИКОЯ ҚИЛАДИ

ЗАВОД ҚИЁФАСИ ЎЗГАРЯПТИ

Советларга сайловлар—ҳар сафар катта байрамга айланади ва уни биз янги меҳнат ютуқлари билан кутиб оламиз. «Компрессор» заводи коллективи тўғрисида гапирмоқчимаи. Тўрт йил муқаддам корхона фахрли беш қиррали белги билан маҳсулот чиқара бошлаган эди ва бу маҳсулотлар умумий ҳажмининг атиги 4,5 процентини ташкил этар эди. Бугунги кунда бу рақам—70,4 процентни ташкил этмоқда.

Биз «ПР—10М» маркали компрессорлар ҳамда «РКВН—6» маркали вакуум-насосларга давлат Сифат белгиси қўймоқдамиз. Бу ишлар йирув жараёнининг сўнгги босқичларида бажарилаётган бўлса-да, ҳар бир ишчи, у қайси участкада меҳнат қилишидан қатъий назар, аъло сифатли машиналар яратишда ўзининг муносиб ҳиссасини қўшмоқда.

Юксак касб маҳоратини эгаллаган, фидокорона меҳнат қилиб келаётган энг яхши ишлаб чиқарувчиларимиз ҳукумат мукофотига сазовор бўлганлар. Масалан, уруш ва меҳнат ветерани, қувв цехининг ремонтчи-слесари Яков Дмитриевич Акимов Октябрь революцияси ордени соҳиби бўлди, йирувчи-слесарлар бригадаси бошлиғи Виктор Александрович Турунтоев министрликда энг яхши, деб топилди ва III даражали Меҳнат Шуҳрати ордени билан мукофотланди.

Қувв цехида Нусрат Ҳикматов бошлиқ бригада деталларга техник ишлов берилишини маҳорат билан бажаряпти. Бу коллективдан қандай қилиб ишлаб чиқариш резервларидан оқилона фойдалана билишни ўрганса бўлади. В. И. Ленин туғилган кунининг 110 йиллиги арафасида Н. Ҳикматов бригадаси меҳнат унумдорлигини ўстириш бўйича икки бой йиллик топшириқни бажариш мажбуриятини олди.

Сайловдан-сайловгача ўтган давр мобайнида корхонамизда арзигидек ўзгаришлар бўлди. Корхонада реконструкция ишлари ва техникавий қайта қуроллантириш бошланди. Инженерлик лабораторияси ишга туширилди, механикайирув комплекси ҳамда маъмурий-маиший корпус қурилмоқда. Янги ишлаб чиқариш ва техникавий қайта қуроллантириш кўплаб компрессорлар ишлаб чиқариш, уларнинг янги конструкцияларини ўзлаштириш Сифат белгили маҳсулотларни кўплаб ишлаб чиқариш имконини бермоқда.

Олдинги сайловда завод коллективи менга катта ишонч билдириб, шаҳар Советига депутат қилиб сайлаган эди. Депутат сифатида шуни қувонч билан айтаманки, ўтган даврда касбдошларимнинг турмуш фаровонлиги янада яхшиланди. Корхонада ишловчиларнинг ўртача иш ҳақи кўпайиб, ҳозирги пайтда 190 сўмга етди. 80 дан ортиқ оила янги квартираларга кўчиб ўтди. Бу йил ҳам ана шу оила уй тўйи ўтказади.

Касаба союз ташкилоти машинасозларнинг кўнгилли дам олишларини ташкил этиш тўғрисида ғамхўрлик кўрсатяпти. Ишчилар санаторийларга имтиёзли путёвкалар олишади, туристик сафарларга чиқишади. Биз Чорвоқ сув омбори соҳилида корхона дам олиш зонасини қурмоқдамиз.

Мамлакатимизда кишилар меҳнати билан шон-шуҳрат топяпти, фаровон турмушга ҳам меҳнат туфайли эришилмоқда. Шунинг учун ҳам Советларга бўладиган сайловлар биз, совет кишилари учун ҳамма вақт байрамдир.

К. ИСМАТОВ,

«Компрессор» заводи асбобсозлик цехининг йўнувчиси.

ЁШ АВЛОД ҲАҚИДА ҒАМХЎРЛИК



ҚУВОНЧЛИ ЎЗГАРИШЛАР

Пойтахтимизнинг Собир Раҳимов райони йил сайин чирой очмоқда. Маҳаллий Советларга бўлиб ўтган бундан аввалги сайловлардан сўнг ўтган вақтда бу ерда 240 минг квадрат метрга яқин шинам уй-жойлар қурилди, 2620 ўринли ўнта болалар боғчаси очилди, ТошМИнинг бир нечта даволаш корпуслари, 40 га яқин савдо ва умумий овқатланиш объектлари тикланди.

Ана шу қувончли ўзгаришларнинг амалга ошишида маҳаллий Советларнинг депутатлари фаол иштирок этдилар. Мана бугун 22-мактаб ҳузуридаги агитпунктнинг энг яхши агитаторларидан Собира Ўринбоева (суратда ўнгда) 48/32 сайлов участкаси сайловчиларини амалга оширилган ишлар, депутатликка номзодлар билан таништирмоқда.

Р. Альбеков фотоси.

Шаҳримиз микрорайонларида йил сайин янги-янги мактаб ва болалар боғчаларн сони ортиб бормоқда. Фақат ўтган йилнинг ўзидагина халқ маорифи эҳтиёжи учун 85 миллион сўмлик маблағ сарфланди. 10 минг ўқувчига мўлжалланган 7 та мактаб, 300 ўринли музика мактаби, мактабдан ташқари ишлар олиб бориладиган 5 та болалар муассасаси қурилиб ишга туширилди. Бугунги кунда шаҳримиздаги 241 та мактабда 260 минг ўқувчи таълим олмоқда, 592 та мактабгача ёшдаги болалар муассасаларида меҳнаткашларнинг 124 мингдан кўпроқ фарзандлари тарбияланмоқда. Ана шу салмоқли рақамлар партия ва ҳукуматимиз болалар ҳақида, уларнинг билим олишлари, тарбияланиб, вояга етиб меҳнат ҳаётига тайёрланишлари тўғрисида кўрсатаётган оталарча ғамхўрлигининг ёрқин намунасидир.

Шаҳар мактабларидаги ҳаётнинг энг янги белгиларидан бири, куни узайтирилган группалар, синфлар ва мактабларнинг тобора кўпайиб бораётганлигидадир. Агар уч йил муқаддам куни узайтирилган группаларга 31 минг ўқувчи жалб этилган бўлса, ҳозир бу рақам икки баравар кўпайди. Шу йилнинг ўзидагина 20 та мактабда шундай группалар тузилди. 88, 41, 147, 174- ва бошқа мактабларда ўқувчиларнинг билим эгаллашлари учун жуда яхши шароит яратилган. Олиб борилаётган тарбиявий ва синфдан ташқари ишларнинг ҳаммаси болаларнинг бўш вақтларини қизиқарли ва фойдали иш билан ўтказишга қаратилгандир.

Болаларнинг ота-оналари, жамоатчилик, маданий муассасалари, оталиққа олган корхоналар, пионерлар саройларининг ходимлари болаларнинг тарбиявий ишлари билан шуғулланишларига тобора кенг жалб этилмоқдалар.

Масалан, 174-мактабда 2515-автоколонна ҳайдовчиси В. М. Побит «Светофор» тўгарагини олиб бормоқда. Унинг раҳбарлигида йўл ҳаракати қоидаларини ўрганиш кабинети жиҳозланди. 9-мактабда билим олаётган ўқувчиларнинг эстетик тарбиясида Островский номли пионерлар саройи катта ёрдам кўрсатмоқда. Кўпгина мактабларда куни узайтирилган группалар базасида спортга оид синфлар тузилган.

Мактабларнинг ўқитувчилари шаҳар партия комитетининг Тошкентни коммунистик меҳнат, юксак маданият ва намунали жамоат тартиби ўрнатилган шаҳарга айлантириш тўғрисидаги қарорини ёшларни коммунистик руҳда тарбиялашни янада такомиллаштириш программаси, деб қабул қилдилар.

9-мактаб ва 426-болалар боғчасининг педагогик коллективлари ўз муассасаларини намунали муассасага айлантириш ташаббуси билан чиқдилар. Бу ташаббус кўпгина бошқа коллективлар томонидан маъқулланди.

Ҳозир ўқувчиларнинг касб танлашларига алоҳида эътибор берилмоқда. Шаҳарнинг ҳамма районида ўқув-ишлаб чиқариш комбинатлари иш олиб бормоқда. Уларда ўқувчилар турли касблар бўйича дастлабки кўникма олмоқдалар. Касб танлаш бўйича олиб борилаётган ишлар форма ва методлари тобора такомиллашиб бораётганлиги туфайли 1979 йилда ўрта мактабни тамомлаб чиққан 8,5 мингдан кўпроқ ёшлар ҳунар-техника билим юртларида билимларини оширмоқдалар, олти мингдан кўпроғи эса, халқ хўжалигида меҳнат қилмоқда.

Шаҳарда оммавий-спорт ҳамда физкультура-соғломлаштириш ишларини ривожлантириш борасида катта ишлар амалга оширилмоқда. Кейинги уч йилнинг ўзидагина 18 та сузиш ҳовузи, 600 та ўйин майдончаси, 45 та футбол майдони бунёд этилди.

157, 6, 43- ва бошқа кўпгина мактабларда мактабдан ташқари оммавий-спорт ишлари яхши йўлга қўйилган. Шаҳримиз мактаб ўқувчилари спорт мусобақасида Бутуниттифоқ маррасига етиб, яхши натижаларга эришмоқдалар. 71-мактаб ўқувчилари «Умид старти» Бутуниттифоқ мусобақасининг уч бор қатнашчиси бўлди.

Республика Олий Совети ва маҳаллий Советларга бўладиган сайловларга пухта тайёргарлик кўраётган шаҳар педагогик коллективлари ўқув-тарбиявий ишларни бундан буён янада яхшилаш, ўқувчиларнинг пухта билим эгаллашлари тўғрисида алоҳида ғамхўрлик кўрсатмоқдалар.

Х. НУЛДОШЕВ,

Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети халқ маорифи Бош бошқармаси бошлиғи.

ҲАМ АЪЛО КАЙФИЯТ

Ҳамза райони шаҳримизнинг тез суръатлар билан ривожланаётган районларидан бири. Маҳаллий Советларга бундан аввалги сайловлардан сўнг ўтган вақт ичида бу ерда қувончли ўзгаришлар содир бўлди. Бутун-бутун микрорайонлар пайдо бўлди, янги цехларнинг корпуслари қад кўтарди, маиший хизмат корхоналарининг шаҳобчалари кенгайди.

Ҳозир район территориясида 30 дан зиёд саноат корхоналари бор. Бу корхоналар ҳаво кемалари, пахта териш машиналари, қоғоз ва темирбетон конструкциялари, кўтарма кранлар ва озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқаряпти. Районда йирик қурилиш ташкилотлари, темир йўл транспорти корхоналари ҳам бор.

Маиший хизмат корхоналари олдида турган биринчи навбатдаги вазифа Тошкентнинг энг йирик индустриал районн меҳнаткашлари учун барча қулайликларни яратишдан иборатдир. Шуни айтиш керакки, сўнгги йилларда бу соҳада жиддий ўзгаришлар содир бўлди.

Ҳозир Ҳамза районида 118 маиший хизмат объекти ишлаб турибди. Хизмат кўрсатиш ҳажми ўтган йили 4586 минг сўмни ёки планга нисбатан 102,1 процентни ташкил этди. Ўнинчи беш йилликнинг тўрт йили давомида аҳоли жон бошига хизмат кўрсатиш ҳажми 19 сўмдан 22 сўм 42 тийинга етди. Тривиал буюмлари ярим фабрикатларини реализация қилувчи янги пунктлар, кир ювиш пунктлари очилди. Аҳолига 20 хилдан зиёд хизмат кўрсатувчи комплекс қабул пункти ишга туширилди.

Шунга қарамай, мавжуд маиший корхоналар сони ҳали етарли эмас. Шунинг учун ҳам яхши кайфият хизматига алоҳида эътибор берилмоқда. Маиший хизмат объектларини тиклашга саноат корхоналари ҳам жалб этилмоқда. Жумладан, бу йил Жарқўргон кўчасида санитария техника жиҳозлари, енгил металл конструкциялари заводлари, ёғ-мой комбинати, упа-элик фабрикаси ва бошқа корхоналарнинг иштирокида маиший хизмат комбинати қурилиши бошланади. Бундай кооперацияни ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда. Чунки завод ва фабрикаларнинг раҳбарлари маиший хизмат тармоқларининг кенгайишидан бевосита манфаатдордирлар. Сабаби бу ишчи ва хизматчилар меҳнат унумдорлигининг ошишига таъсир кўрсатади.

Хизмат кўрсатиш маданияти ва сифатини оширишда мақсад қилган натижаларимизга эришдик, деб айтолмаймиз. Ҳамон мижозларга нисбатан қўпол муомала қилиш ҳоллари учраб туради, кадрлар профессионал тайёргарлигини такомиллаштириш талаб этилади. Шунинг учун ҳам ҳозир хизмат кўрсатиш маданиятини кескин яхшилаш масаласи диққат марказимизда турибди.

Д. ПОЛВОНОВ,

Ҳамза район ижроия комитети маиший хизмат бўлими бошлиғи.

ҲОВЛИ ТЎЙИ ЯҚИН

Собир Раҳимов районининг ТошПИ—ТошДУ турар жой массивида иккн қаватли 320 ўринли типовой болалар боғчасини фойдаланишга топширишга тайёргарлик кўрилмоқда. Бинони 6-трест 70-кўприлиш бошқармасининг Станислав Варахтин бошлиқ илғор комплекс бригадаси тиклади. Ҳозир бу коллектив 1980 йилнинг иккинчи квартали ҳисобига меҳнат қилмоқда. Бригаданинг пешқадам ишчилари смена нормаларини 25—30 процент оширнб адо этишяпти. Боғчада пардозлаш ишларини 2-Пардозлаш трести 48-қурилиш бошқармасининг бригадалари олиб боришяпти.

КИНО ТАРМОҚЛАРИ КЕНГАЙМОҚДА

... Томоша залида чироқлар ўчиб, экранда янги картина лентaлари бирин-кетин кўз ўнгидан ўта бошлайди. Томоша тугагандан кейин эса, «Қозоғистон» кинотеатри директори К. А. Ҳакимова киномеханик хонасига чиқади.

— Қалай, автоматика яхши ишлаяптими? — сўрайди у.

— Ҳа, ҳаммаси жойида,— дея мамнун жавоб қилди киномеханик.

Энг муҳими эса,— томошабинлар кинокўрсатувининг сифатидан мамнундирлар. Фақат «Қозоғистон»дагина эмас, балки шаҳардаги бошқа кўпгина кинотеатрларда яқиндагина «Киноқўрсатув автоматикаси» деб номланган қурилма ўрнатилган. Автоматларнинг ўзлари— шуни айтиш керакки, кинофильмлар намойиш қилишнинг ҳамма асосий жараёнларини кишилардан кўра бирмунча аниқроқ бажармоқда. Бу, томошабинларга хизмат кўрсатиш даражасини бирмунча ошириш имконини беряпти.

Мавжуд кинотеатрлар биноларида замонавий ускуналар ўрнатиш билан бир қаторда, шаҳримиздаги кинотармоқларини кенгайтириш юзасидан муттасил иш олиб бормоқда. Ҳозирги пайтда Тошкентда 135 та кинотеатр ва кинокурилмаси мавжуд. Республика Олий Советига бўлиб ўтган олдинги сайловлардан буён 15 та кинотеатр қурилди. Юнусобод микрорайони, Сергели посёлкаси ва бошқа жойларнинг аҳолиси ўз кинозалларига эга бўлдилар. Чилонзор массивида катта кинотеатр зали қурилмоқда, келажакда «Болалар дунёси» магазини қаршисида фильмлар намойиш қилинадиган улкан комплекс қад кўтаради.

Шаҳримиздаги ҳамма кинотеатрларнинг 50 процентдан кўпроғи сайловчилар назкалари асосида қурилди ва қурилмоқда.

ҚЎЧАЛАР ЧИРОЙ ОЧЯПТИ

Киров район Советининг халқ депутатлари ўз районлари территориясини ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш, меҳнаткашлардам оладиган катта-кичик хиёбонлар барпо этиш масаласига катта эътибор бермоқдалар. Уларнинг кўпгина кўчаларини ўнлаб кичик хиёбонлар барпо этилди. Х. Эргашев, Ж. Обидова кўчалари, София проспекти, ТашГРЭС, Чимкент тракти, Навоий номли бир қатор кўчаларда суғориш тармоқлари яхшиланди. Жаъми 20 гектардан ортиқ бўш жойлар ўрни боғ-роғларга айланди. Аҳмад Дониш, Жаҳон Обидова, Хуршид, Энгельс, Кайманов кўчаларининг қиёфаси бугунги кунда ўзгача чирой бахш этмоқда.

Кировликлар В. И. Ленин номли майдон, «Жасорат» монументи, С. М. Киров номли майдон, В. И. Ленин Марказий музейи филиали, Гагарин парки, Комсомол аллеяси каби кўкаламзорлаштирилган, обод архитектура жиҳатидан кўзни қувонтирувчи иншоотлари билан фахрланадилар. Шуниси қувончлики, районлаги барча саноат корхоналарида «Йил бўйи гуллар» шиори остида гулхоналар барпо этилган.

Беш йилликнинг якунловчи йилида Юнусобод массивида Б-4, СВ-4 «А», СВ-5 турар жой микрорайонлари қад кўтара бошлайди, Аҳмад Дониш кўчалари Бульварная кўчасидан то Электр кабель кўчасигача янада ободонлаштирилади.

2 ТОШКЕНТ вечерняя газетаси

13 ФЕВРАЛЬ, 1980 й.

Йиллар ва тақдирлар

ПАРВОЗ

ОЧЕРК

Киров район партия комитети биноси олдидаги «Ҳурмат тахтаси»га бир группа меҳнат илғорларининг портретлари қўйилган. Улар орасидан жилмайиб турган йигитнинг сурати ҳам ўрин олган. У асбобсозлик заводининг қадоқ қўлли чархловчи ишчиси, тўққизинчи беш йиллик зарбдори, 3-даражали Меҳнат Шуҳрати ордениниг кавалери Ҳамидулла Носировдир.

Ҳамидулла ишчилар оиласига қабул қилинган кунни сира-сира эсидан чиқармайди.

Ҳамидулла ўрта мактабни битириб, заводга ишга келди. Унга «устозинг» деб тайинтиришган мастер дастлаб йигитни тунд-лик билан қарши олди.

— Ишга келдим дегин,—сўради у гуриллаб ишлаб турган станокдан кўз узмай. Йигит боши билан тасдиқ ишорасини қилди.

— Ростдан ишламоқчимисан?

Бу саволдан ранжиган шогирд устозига тикилди.

— Йўқ, менга буюқа тикилмай қўяқол,— деди уста пинагини бузмай.— Бугун ишга келиб, эртасига жуфтакни ростлаб қоладиган сенга ўхшаш «чиллаки» шогирдларнинг кўпини кўрганман.

Мастер рўпарасидаги жуссадор йигитга бу гал синчков тикилди.

— Айтиб қўяй, меҳнатимиз оғир. Чидаган ишлайди. Бу деганим, осон фаҳмлаб келган бўлсанг обрўйинг борида этагингни ёп деганим, ука. Ҳа, ганим ёқмади шекилли, тумтайиб қолдинг. Майли, саломат бўлсак кўрамиз.

«Биринчи кундан бошлаб шундай бўлса, бу ёғи нима бўлади. Хўп одамга йўлиқибман-да. Шундай катта шаҳри азимда бошқа завод қуриб кетгандек, шу ерни танлаганимни қара-я».

— Ҳа, яна бир нарсани айтиб қўяй, станок паришонхотирликни ёқтирмайди. Эсингда бўлсин, бу ер ўтириб олиб хаёл сурадиган такяхона эмас, корхона.

Уста билан шогирд мана шундай танишишди.

«Тўхтаб тур ҳали. Ишлаш қанақалигини мен сенга кўрсатиб қўяман. Ана ўшанда биласан мени. Олдимда уялиб ер чизмасанг отимни бошқа қўяман».

Шу куидан бошлаб Ҳамидулла ишга муккасидан шўнғиб кетди. Устози Абдуҳамид Мўминовнинг ҳар бир сўзига амал қилди. Унинг кўрсатмаларини бекамикўст бажарди. Орадан бир ойча вақт ўтгач, тушлик пайтида уста жилмайиб шогирдининг елкасига қоқди.

— Мана, энди сени ҳақиқий ишчи бўлганинг билан табриклаасам арзийди. Биламан, биринчи учрашувимиз сенга ёқмади. Тўғримн? Айтиб қўяй, ширин гап ҳаммага ҳам хушёқади, ўғлим. Бироқ, ширинсуханлик билан одамларнинг характерини тез илғаб ололмайсан. Аччиқ сўз эса юракдагини дарров юзага чиқаради, қўлди. Инсоннинг асл қиёфаси дарҳол кўз ўнгингда намоён бўлади, қолади. Энди билдим-ки, сен зийрак. «етти ўлчаб, бир кесадиган» йигитлардан экансан. Баракалла!

Орадан 20 йил ўтди. Бу давр мобайнида Ҳамидулла кўп ташвиш ва қувончларни бошидан кечирди. Лекин йигит ҳамиша олға интилди. Ҳеч қачон тушкунликка тушмади. Цехдаги дастҳожаларнинг сир-асорини қунт билан, қадам-бақадам ўрганди. Илғорлардан ўрнак олди. Ниҳоят, ўзи ҳам пешқадамлар сафига кўтарилди.

Унинг узоқ йиллик самарали меҳнати муносиб тақдирланди. Ҳамидулла СССР Станоксозлик ва асбобсозлик саноати министрлигининг Фахрий ёрлиғини олишга сазовор бўлди.

— Завод менинг иккинчи уйимдир, — деди Ҳамидулла. —Бу ерсиз ҳаётимни тасаввур эта олмайман.

Бир тасодиф Ҳамидуллани ана шу севимли заводи ва унинг коллективидан ажратиб қўйишга сал қолди. Шундай оғир вақтларда дўстлари яна ёрдамга келишди.

Сафларида олиб қолиш учун нимаки бўлса қилишди, елиб-югуришди.

Бу кўнгилсиз воқеа содир бўлганига роса уч йил тўлди. Ўшанда Ҳамидулланинг қўли оғир станок тагида қолиб бармоқлари қаттиқ лат еди. У икки ой шифохонада ётди. Ниҳоят, шифохонадан чиқаётган куни врачлар унга вақтинча касбни ўзгартириб, енгил ишга ўтиш кераклигини айтишди. Йигитга ёруғ жаҳон қоронғу бўлиб кетди. Мана шу бир оғиз сўз шифохонада шунча тортган азобидан устун келди. Суруникасига бир неча кеча-кундузлаб жароҳат оғирига чидаган одам мана шунисига чидай олмади. Бир зумда хаёлида қадрдон цехи ва дўстлари жонланди-ю, кўзидан тирқираб ёш чиқиб кетди.

— Йўқ,—дейишди йигитлар ҳам узоқ сукунатдан сўнг,— биз сенинг заводдан кетишингга йўл қўймаймиз. Керак бўлса сенинг учун ҳам ишлаймиз. Фақат биз билан бирга бўлсанг бўлгани.

Улар сўзларида қатиқ туриб олишди. Дастлаб Ҳамидуллага ҳамкасблари ёрдамлашдилар. Интилганга толе ёр, деганларидек бора-бора унинг ўзи яна мустақил станокни бошқара бошлади. Энди жароҳатли бармоқлар оғир ишга ўрганиб қолишганди.

Кенг истеъмол буюмлари цехида ҳамма бўлиб 62 киши меҳнат қиладн. Уларнинг кўпчилиги Ҳамидулланинг шогирди. Ёшлар орасида 1980 йилнинг охирги ойи ҳисобига маҳсулот топшираётган Алишер Мавлоихўжаев ва Ҳасан Исмоилов каби илғорлар бор. Улар ҳам ишчи касби сирларини Ҳамидулладан ўрганишган.

Суҳбатимиз шогирдлар ҳақида борганда Ҳамидулла қўлимизга бир мактуб тутди. Ўқидик.

«Ассалому алайкум, ҳурматли Ҳамидулла ака! Сизни Янги йил билан чин қалбимдан табриклайман. Сизга бахт-саодат, узоқ умр тилайман.

Ҳамидулла ака, балки мени унутиб юборгандирсиз. Лекин мен Сизни ҳеч қачон унутаолмайман. Чунки оғир дамларда мени қўлимдан тутдингиз, ҳалолликка, меҳнатга ўргатдингиз. Агар Сиз бўлмаганингизда, менга бўлган меҳр-муҳаббатни г и з бўлмаганда, билмадим ҳаётим не кечарди. Инсон ҳамма нарсани эсдан чиқариши мумкин экан-у, бироқ заҳар ва муҳтож вақтида бирор қилган яхшиликни асло унутаолмас экан.

Ҳамидулла ака, қимматли вақтингизни олганим учун узр. Сизга ҳамиша соғиқ қолувчи, армия сафида хизмат қилаётган шогирдингиз Каримжон Самиғов».

Мазмуни қисқа ва лўнда бу мактубни ўқиб бўлганимиздан сўнг, Ҳамидулла бир гапни айтиб берди.

Ҳа, кечагидек эсида. Ўт-олов Каримжоннинг «қуйилиши» қийин бўлди. У цехдан цехга, устадан-устага ўтди. Лекин ҳеч қачон топмади, ўжарлигини қўймади. Ниҳоят, ишдан бўшатиб, ундан қутулишга қарор қилишди. Аммо бу таклиф Ҳамидуллага ёқмади.

— Ишдан бўшатиш осон,— деди у.— Лекин тарбиялаш қийин. Хўш, бу ердан кетгач, нима қиладн у. Бошқа корхонага бориб ишлашга мажбур, албатта. Ахир у ерда ҳам бизга ўхшаган одамлар меҳнат қилишади-ку. Улар билан чиқишиб, тил топишиб кетса яхши, борди-ю, бунинг акси бўлсачи? Пул топиш учун ёмонлик йўлига ҳам ўтиши мумкинку. Эндигина 19 ёшга чиққан бир йигитни кўра-била туриб, ўтга отиш ярамайди. Наҳот шундай катта коллективимиз уни тарбиялашга ожизлик қилса?

Каримжон эгилган бошини аста кўтарди. Ёшли кўзларини меҳр билан ўзини ҳимоя қилаётган кишига тикди. Гўё назарида у сувга чўкиб кетаётган эди-ю, мана шу меҳрибон одам уни ҳалокатдан сақлагандай бўлди. Залда гала-говур кўтарилди.

— Майли,— деди Ҳамидулла.— Каримжонни менга беринглар. Биз бирга ишлаймиз.

Каримжон шу куниёқ бу меҳрибон ва одил кишини юракдан севиб қолди. Ҳамиша унинг сўзини икки қилмасликка, ҳар қандай топшириғини сидқидилдан бажаришга аҳд қилди. Йигит устозининг юзини ерга қаратмади. Жон-дилдан меҳнатга берилди. Бора-бора илғорлар қаторига кўтарилди. Бу мактуб ўша Каримжондан эди.

Яхшилик беиз қолмаслигини, инсонга ҳамиша раҳмат олиб келишини ана шунда устоз яна бир бор юракдан ҳис этди.

— Ҳамидулла бир киши ҳамма учун, ҳамма бир киши учун деган принципга қаттиқ риоя қилади,— дейди цех бошлиғи Қудрат Тўлаганов.— У ҳар бир ишда илғор. Жамоатчилик ишларида актив қатнашади, цех партия ташкилотининг секретари. Камчиликлар билан муросасиз курашади. Шогирдларига нисбатан қаттиққўл ва меҳрибон.

Бир пайтлар корхонада планбозлик авж олганди. Баъзи ишчилар кунлик нормани 1,5—2 ҳисса ошириб бажарадиган бўлишди. Ҳамманинг кайфияти аъло. Ҳа-да, иш кеталяптими, кетаяпти, план бажарилаяптими, бажарилаяпти. Завод шаҳардаги пешқадам ишлаб чиқариш корхоналари қаторидан жой олдими, олди. Бироқ, сифат оқсаб қолаётгани билан ҳеч кимнинг иши йўқ.

Сифат масаласига бағишланган очиқ партия йиғилишида Ҳамидулла қуйиниб гапирди. Нуқсонларни рўйи-рост очиб ташлади.

— Тўғри, план ҳамма учун муҳим. Лекин план деб сифатни унутиш ўтакетган иодонлик-ку. План ортиғи билан бажарилса-ю, ишлаб чиқарилаётган маҳсулот сифатсиз бўлса, ундай планни боридан йўғи яхши. Шундай қилайликкн, план ҳам, сифат ҳам яхши бўлсин.

Ўшанда ҳамма бир овоздан бу таклифни қўллаб-қувватлаган д и. Маҳсулот сифатини яхшилаш тадбирлари белгиланганди. Шундан бери «Маҳсулот сифатига— ишчи кафолати» шиори корхона ишчиларининг байроғи бўлиб қолди.

Сўнгги марта Ҳамидулланинг уйида учрашдик. Ойнаванд, кенг айвонга онла аъзолари тўпланишганди. Дастурхон тўрида Асад ака ва унинг рафиқаси Лутфи опа. Уларнинг ёнидан Ҳамидулла ва турмуш йўлдоши Муҳаббатхонлар жой олишган. Пастда эса Равшан, Ҳабибулла, Шуҳрат, Шаҳло ва Фурқатлар ўтиришибди. Улар Ҳамидулланинг фарзандлари. Катта ўғли Равшан бу йил ўнинчи синфни битириб, отасига шогирд тушмоқчи. У Тошкент политехника институти механика факультетининг сиртқи бўлимида ўқишни ҳам мақсад қилиб қўйган. Ҳабибулла — ўқитувчи, Шуҳрат — инженер бўлиш иштиёқида.

Тўкин дастурхон атрофида суҳбат қизиган. Оила аъзоларининг ҳаммаси бугунги унумли кундан мамнун. Уларнинг эртанги кунини қаршилаётгандек, деразалан ой мўралади. Ташқаридаги оппоқ қор заррлари эса фусункор ой нурида нуқрадек жилоланарди.

М. КОМИЛЖОНОВ.

Саломатлик ҳақида суҳбатлар

Ҳар бир оиланинг қувончи— чақалоқлар соғлиғини муҳофаза қилиш учун бизда ҳамма шароитлар бор. Болалар поликлиникалари, санаторийлар, илмий-тадқиқот институтлари, ҳамма-ҳаммаси болаларимиз хизматида. Лекин уй шароитида чақалоқлар кўпинча шамоллаб турishади. Оқшомхонлардан М. Ҳошимова, Н. Еқубжонова, У. Қудратова, Л. Равшанова, И. Самиғова, Ш. Қодирхўжаева-лар редакциямизга хат йўллаб, «нима учун ёш болалар, айниқса чақалоқлар тез-тез шамоллайди, бундай болаларни уй шароитида қандай парвариш қилиш керак», деб сўрашибди. Шу муносабат билан биз Ўрта Осиё медицина педнатрия институти болалар касалликлари кафедрасининг ассистенти Клавдия Павловна Трёмсина билан учрашиб, оқшомхонларнинг саволларига жавоб олдик.

• Оналар, Сизлар учун

ЧАҚАЛОҚЛАР НЕГА ШАМОЛЛАЙДИ?

— Мамлакатимизда болалар ўртасида соғломлаштириш тадбирларини кенг кўламда ўтказиб катта ютуқларга эришган бўлишимизга қарамасдан, ёш болаларнинг ўпка ва юқори нафас олиш йўллари хасталиклари ҳозир ҳам учраб турибди. Бунга ёш болалардаги нафас олиш йўлларини ва асаб системасининг ҳали яхши тараккий этмагани сабаб бўлади. Ёш болаларда, айниқса, бир ёшгача бўлган болалар ўртасида ўпка шамоллаши ёки зотилжам жуда оғир ўтади. Илмий кузатувлардан шу нарса маълум бўлдики, оғирлиги нормадан паст— озғин, туғилишида бирор шикастланишга учраган, рахит ёки диатез билан касалланган, шунингдек, сунъий овқатлар билан овқатлантирилган болалар зотилжамга кўпроқ чалинадилар.

Ёш болаларнинг зотилжамга мойил бўлиб қолишига болалар организмидаги ҳимоя кучининг пасайтирган, аввал бўлиб ўтган касалликлар сабаб бўлади. Ошқозон-ичак касалликлари группасига кирувчи диспепсия, дизентерия ва сальмонелла каби касалликлар билан илгари касалланган кўкрак ёшидаги болаларда ҳам зотилжам оғир ўтади.

Болаларнинг хасталикка чалинишида соф ҳаво ва қуёшдан етарли фойдаланмаслик, нотўғри овқатлантириш ҳам сабаб бўлади. Бундан ташқари, иқлим шароитлари (ҳаво ҳарорати кескин пасайиб, унинг намлиги ва босимининг ортиши) ҳам болани зотилжамга олиб келиши мумкин. Шунинг учун ёш болаларда зотилжам касаллиги кўпроқ қиш ва баҳор ойларида учрайди.

Рахит касаллигини кечирган болаларнинг зотилжам билан кўпроқ оғришига уларда-ги қобиғчаларнинг юмшоқ бўлиши натижасида ўпка билан нафас олишнинг нормал ҳолати бузилиши, организмнинг ҳимоя кучи камайиб, унинг касаллик чақирувчи микробларга бирламчи берилувчан бўлиб қолиши сабаб бўлади. Грипп ва стафилококк инфекцияси хасталигига чалинган болаларда ҳам касаллик оғир ўтади.

Одатда, зотилжам бирдан, юқори нафас олиш йўлларининг шамоллаши билан бошланади. Болада тумов белгилари бўлиб, тана ҳарорати кўтарилиб, болалар аксираді. Даволаш усуллари олиб борилишига қарамасдан бола аҳволи яхшиланмай, иккинчи кундан кейин унда йўтал пайдо бўлиб, нафас олиши тезлашади. Болалар серҳаракатша бўлиб, иштаҳаси йўқолади. Бурунлари учиб туради. Чақалоқлар оғзида эса оқариш пайдо бўлади. Баъзан болаларнинг нафас олиши қийинлашиб, хириллаб қолади. Тана ҳарорати юқори бўлади. Болаларда ич кетиш ва қусиш ҳолатлари ҳам кузатилади. Оналар шуни яхши билишлари керакки, болада оғиз атрофининг кўкариши зотилжам учун ҳос белгидир.

Болалар уйқуси бузилган бўлади. Касалликнинг оғир турида эса бунинг акси бўлиб, бола ланж, уйқучан ва баъзан ўзидан кетиб қолиш, тириши ҳолатлари бўлиши мумкин. Баъзан касаллик юқоридаги аниқ белгиларсиз ҳам ўтади. У ниҳоятда оғир болаларда бошқача кўринишда ўтиши мумкин. Хасталик уларда яширин ҳолда ўтади. Ҳаллослаш ҳолатлари сезилмайди, йўтал унчалик кучли бўлмайди, тана ҳарорати нормада ёки озроқ кўтарилган бўлади (37,2 — 37,5 даража), бироқ бола ўта бўшашган, иштаҳаси йўқолган бўлиб озиб кетади, юзи қўрғошинсимон рангда, баъзан заъфарон кўринишда бўлади.

Зотилжам белгилари туғилиш чоғида бирор шикастланишга учраган болаларда асаб системаси бузилиши билан бошланади. Бу вақтда бола йиғлоқи, уйқусиз, қусадиган ва бошини орқага ташлайдиган бўлиб қолади. Диатез билан касалланган болаларда эса хасталик бола юзи ва танасига тошмалар тошиши билан бошланади. Тошмалар қичийди. Баъзан болада нафас чиқариш ҳолати қийинлашади. Бола қийналиб нафас чиқараётганининг узоқдан ҳам эшитиш мумкин. Бунга бронхларда шиш пайдо бўлгани сабаб бўлади. Муддатидан илгари— чала туғилган болаларда эса нафас чиқаришнинг сустлашиши, юқори нафас олиш йўлларининг шамоллаши натижасида оғизда оқариш белгилари бўлади. Тана ҳарорати нормал, озроқ, кўтарилган ёки пасайган бўлиши мумкин. Нафас чиқариш юзаки бўлади. Иштаҳа йўқолади. Ич кетиш, қусиш ҳолатлари учраб, тезда озиб кетади.

Афсуски, зотилжам шу кеча-кундузда ҳам ёш болаларнинг оғир хасталиги бўлиб қолмоқда. У баъзан ўткир турдан сурункали турга ўтиб, ўзидан оғир асоратлар қолдирмоқда. Болаларнинг ўз вақтида соғайиб кетишларида ота-оналарнинг медицина ёрдамига эрта ва ўз вақтида мурожаат этишлари муҳим омиллардан биридир. Зотилжамнинг оғир турига чалинган ёш болалар албатта болалар касалхоналарида даволаниши керак. Бола бу ерда доимо врач назорати остида бўлади. Врач боланинг аҳволига қараб даволашни планли равишда олиб боради. Бу ерда касаллик чақирувчи микробларга қарши ишлатиладиган дори-дармонлар аниқ кўрсатилган вақтда берилади. Шунингдек, физиотерапия усули билан даволаш ҳам олиб борилади.

Бутун диққат-эътиборни боланинг овқатланиши ва уни тўғри парвариш қилишга қаратиш лозим. Шуни ҳисобга олиш керакки, ёш болалар дардга чалинганда уларда иштаҳа пасайиб, овқат ҳазм қилиш процесси ҳам бузилади. Шунинг учун бериладиган овқат миқдорини вақтинча камайтириш керак. Боланы оз-оздан, тезтез овқатлантириш лозим. Эмизикли болаларни кўкрак сути билан боқиш керак. Агар бунинг иложи бўлмаса, бола ўрганган қўшимча овқатларни бериш керак бўлади. Қўшимча овқатларга кефир, биолакт, ацидофилин киради. Булар бола организмига тез сингади. Бола касал вақтида ҳеч қачон янги овқат турини бермаслик керак. Шуни ҳисобга олиш лозимки, бола суюқликни етарли миқдорда қабул қилиши керак. Бунда болага лимонли чой, наъматак шарбати, мева ва сабзавот шарбатларини врач маслаҳати билан илитилган ҳолда берилади.

Боланинг касалликдан тезда соғайишида санитария-гигиена қоидаларига амал қилиш ҳам катта аҳамиятга эга. Бунда боланинг соф ҳавода етарли бўлиши, шифохона палаталарини шамоллатиб туриш, бола ҳаддан ташқари исиб кетишининг олдини олиш, бола каравотда ётганида, бош томони кўтарилган бўлиши керак. Бундай ҳолда бола яхши нафас олади. Боланинг каравотда ётиш ҳолатини ҳам алмаштириб туриш, болани қўлга вақти-вақти билан олиб кўтариш лозим. Бунда боланинг танаси ёзилади.

Бола қийими тоза, қисиб турмайдиган ва қуруқ бўлиши керак. Бола танасидаги тери ва шиллиқ қаватларни ҳам яхшилаб парвариш қилиб турган маъқул. Касалликнинг оғир турида у вақтинча чўмилтирилмай турилади. Агар боланинг қорнига газ йиғилиб, нафас олиши қийинлашадиган бўлса, у вақтда қорнини сигил ўқалаб, иссиқ грелка қўйиш керак.


Бола бурун орқали эркин, қийналмай нафас олсин. У ётган хона ҳавоси етарли намликка эга бўлсин, чунки қуруқ ҳаво нафас олиш йўлларига салбий таъсир кўрсатади. Хонадаги ҳарорат доимо 18— 20 даража иссиқликда бўлгани маъқул.

Ҳар қандай касаллик ҳам боланинг асаб системасига салбий таъсир кўрсатади. Шунинг учун бола тинч ухлагани яхши. Болани парвариш қилаётганда иложи борича йиғламасин. Баъзи бир сабабларга кўра касал бола уйда қолган бўлса, унинг ота-онаси доимо врач билан яқин алоқа ўрнатиши шарт. Бемор боланинг онаси болада-ги бутун ўзгаришлар: тана ҳароратининг кўтарилиб-пасайиши, пешоб ва нафасдаги ўзгариш ҳолатларини ўз вақтида врачга хабар қилиб туриши, врач буюрган даволаш усулларини эса ўз вақтида аниқ бажариши керак.

Ота-оналар бемор болаларини ҳеч қачон ўз билганларича даволамасликлари керак, чунки кўпгина дори-дармонлар бир-бирига тенглашмайди. Бирданига икки-уч хил дорини беришлик эса, бола организмини заҳарлаша олиб келиши мумкин. Шуни унутмаслик керакки, ҳар қандай дори-дармоннинг миқдори ва таъсир кучи ҳар бир боланинг умумий аҳволи, ёши ва касаллик турига боғлиқ бўлади. Шундай дори-дармонлар ҳам борки, уларни умуман болаларга бериш мумкин эмас. Яна шуни ёдда тутиш керакки, болада тана ҳарорати пасайиб, аҳволи яхшиланиши билан, уни бутунлай соғайди, деб айтиш қийин. Агар шундай деб ўйлаб, даволаш эрта тўхтатилса, хасталик қайталаниши, сурункали ва оғир турга ўтиб кетиши мумкин.

Ёш болаларни зотилжам касаллигидан сақлаш ва унинг олдини олишда уларни тўғри овқатлантириш ва гигиена қоидалари асосида парвариш қилиш муҳим аҳамиятга эга. Уларни рахит, диатез касали ва озиб кетишдан сақлашга ҳам эътиборни қаратиш керак. Болаларни сира ҳам грипп билан ўриганлар олдига йўлатманг, чунки вирусли касалликлар организмидаги ҳимоя кучини пасайтиради. Болаларни зотилжам касаллигидан сақлашнинг энг оддий усулларидан бири — улар организмини чиниқтиришдир. Бунда ҳам врач билан маслаҳатлашиш лозим.

Суҳбатни
Ю. АҲРОРОВ ва
Т. РАСУЛЕВ
ёзиб олишди.



ЧССР. Пльзень шаҳридаги В. И. Ленин номли «Шкода» машинасозлик комбинати турбиналар, прокат станлари, электровозлар, металлга ишлов берувчи дастгоҳлар, троллей буслар ишлаб чиқаради. Сўнгги йилларда бирлашма атом электр станцияларн учун технология жиҳозларини ишлаб чиқаришга ихтис ослашмоқда.
СУРАТДА: бирлашма цехларидан бирида.
ЧТК— ТАСС фотоси.

ЖАҲОН ОЙНАСИ

ТАСС МУХБИРЛАРИ ХАБАР ҚИЛАДИЛАР

Мустаҳкам ҳамкорликда

ГАВАНА. Куба монтажчилари бригадаси Гаванадан бошлаб бутун озодлик ороли бўйлаб Сантьяго-де-Кубагача чўзилган юксак вольтли электр линиясини қуриш ишларини давом эттирмоқдалар. Улар биринчи беш йилликкинг мана шу охирги йилида 220 вольтли электр линиясининг қарийб 2 минг километрлик қисмини фойдаланишга топшириш мажбуриятни олдилар. Бу эса Куба электр энергетикасида янги босқични— ягона миллий энергия системасига вужудга келтирилганлигини билдиради.

Мамлакатда электр энергия ҳосил қилиш ҳалқ ҳокимияти йилларн мобайнида қарийб икки баравар кўпайди ва ўтган йили 7,5 миллиард киловатт-соатга етди.

Эндиликда Куба уйжой бинолариня электрлаштириш даражаси жиҳатидан Лотин Америкасида олдинги ўринлардан бирини мустаҳкам эгаллаб турибди.

Кубада ягона энергосистемани яратиш, кучли электр станциялар қуриш ишлари Куба билан Совет инженерлари ўртасида мустаҳкам ҳамкорлик билан амалга оширилмоқда. Республикада энг катта Сантьяго-де-Кубада г и «Антонио Масео», Мариелдаги «Максимо Гомес» иссиқлик электр станцияларн ва СССР ёрдами билан қурилган бошқа бир қанча электр станциялар ҳар иккала халқнинг меҳнатдаги қардошлиги тимсолидир.

Кубада Совет Иттифоқининг қардошларча ёрдами билан Сьен-Фуэгос шаҳри яқинида республикада биринчи атом электр станцияси қуриш мўлжалланмоқда.

ЮК ТАШИШ СУРЪАТИ ОШМОҚДА

СОФИЯ. Варна — Ильичевск денгиз темир йўли коллективи шу йилги планни бажаришга киришиб, рекорд қўйди. Иккала мамлакат портларида бор-йўғи 4 соат ичида «Плевна қахрамонлари» ва «Одесса қаҳрамонлари» номли паромларнинг юклари туширилди. Январь ойида денгиздаги «дўстлик кўприги» орқали ташилган 200 минг тоннага яқин хилма-хил халқ хўжалиги юклари ортилди ва туширилди.

Иккала мамлакатнинг Қора денгиздаги портларидан Совет ва болгар паромлари бир-бири томон суза бошлаган кундан бери бир йилдан сал кўпроқ вақт ўтди.

Ҳозирги вақтда жаҳонда тенги бўлмаган 233 километрли кечиш линиясида тўртта паром қатнаб турибди. Булардан ҳар бири 108 тадан юк ортилган вагонни, яъни иккита темир йўл составини кўтариб ўтишга қодирдир. Ўтган йили шу паромлар орқали 3 миллион тоннадан кўп юк олиб ўтилди.

1980 йилда Совет Иттифоқи билан Болгария ўртасида энг кўп миқдорда — қарийб 30 минг тонна ташқи савдо юкларини ташиш мўлжалланади.

«ОЛТИН БОШОҚ» КООПЕРАТИВ ДАЛАЛАРИДА

БУДАПЕШТ. Узининг 20 йиллик юбилейини нишонлаётган «Олтин бошоқ» қишлоқ хўжалик кооперативи аъзолари ўтган йили зўр ғайрат билан ишладилар. Об-ҳаво шароити ноқулай келганлигига қарамай, бу коллективда ўтган йили ишлаб чиқариш ҳажми 9 процент ошди. Ишлаб чиқариш самарадорлиги анча кўпайди. «Олтин бошоқ» кооперативлари босиб ўтилган йўлга бир назар солиб, эндиликда хўжаликка қарашли ерлар кооператив ташкил топган дастлабки йиллардагига қараганда икки баравар кўп ғалла, уч баравар кўп узум ва тўрт баравар кўп маккажўхори бераётганлигини фахр билан таъкидламоқдалар.

Шу кунларда республикадаги бошқа хўжаликлар ҳам бир йилги ишга якун ясамоқдалар. Республикадаги 1400 дан кўп қишлоқ хўжалик кооперативларида йиғилишлар бўлиб ўтмоқда. Келгуси даврнинг вазифалари белгиланмоқда. Беш йиллик якунловчи йилининг планида қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни 5— 5,5 процент кўпайтириш назарда тутилган.

СТЕНДЛАРДА— ЯНГИ ПОЙАФЗАЛ

БРАТИСЛАВА. Эртакдаги Золушка учун бошмоқни Чехословакияда тикишган деб айтишади. Братиславада Чехословакиядаги пойафзал корхоналари маҳсулоти виставкасини кўздан кечирганда бу ҳазил гапда бир қатра ҳақиқат борлигига амин бўласан киши.

Оппоқ дастурхонлар солинган узун столлар устига 1980 йилда ишлаб чиқариш мўлжалланган пойафзалларнинг нусхалари, шу жумладан чет эл буюртмачилари учун мўлжалланган пойафзалларнинг намуналарини кўриш мумкин. Бу ерда чиройли пойафзаллар, болалар учун ичи мўйнали қалта этиклар, эркаклар учун юмшоқ ботинкалар ва хотинқизлар учун сумкаси билан бир рангдаги босоножкалар, резина этиклар ва уйда кийиладиган ковушлар — жами қарийб 1 минг хил пойафзал қўйилган.

Бу йил Чехословакияда қарийб 120 миллион жуфт, яъни ўтган йилдагига қарағанда кўпроқ миқдорда пойафзал ишлаб чиқариш мўлжалланади. Булардан ярмидан кўпи экспорт қилинади. Энг катта харидор Совет Иттифоқидир.

СИФАТ БЕЛГИСИГА САЗОВОР БЎЛМОҚДА

УЛАН-БАТОР. Давлат Сифат белгисига ва МХР Сифат олтин медалига сазовор бўлган саноат буюмлари турлари кейинги тўрт йил ичида республикада 6,2 баравар кўпайди. Халқ Монголиясида 1975 йилда жорий этилган маҳсулот сифатини давлат томонидан аттестациялаш, планлаштириш ва рағбатлантириш ва, маҳсулот сифатини оширишда муҳим омил бўлиб қолди. МХР Министрлар кенгаши нархлар ва стандартлар давлат комитетининг маълумотларига кўра, ўтган йили 840 хил саноат буюмлари сифат жиҳатидан аттестациядан ўтказилди.

ШАРМАНДАЛИ ҚАДАМ

БАЙРУТ. «Аш-шааб» газетаси Садат режимининг Исроилни иқтисодий бойкот қилишни тўхтатиш ҳақидаги қарорини араб миллатига нисбатан қилинган янги хоинлик деб атади.

Садат Исроил молларн ва капитали учун Миср бозорини кенг очиб қўйиб, шу навбатдаги шармандали қадамни ўз ихтиёри билан қўйди, деб ёзади газета.

«Аш-шааб» газетаси Кэмп-Дэвид битимларини ва Миср—Исроил сепарат сулҳ шартномасини рад этган араб давлатларини Миср режимини бойкот қилишни кучайтиришга даъват этмоқда. Араблар Қоҳира билан барча савдо, туристик ва молиявий алоқаларни узишлари лозим, деб таъкидлайди газета.

ТОШКЕНТ ШАҲАР ЛЕКТОРЛИК МАҲОРАТИ УНИВЕРСИТЕТИ ТИНГЛОВЧИЛАРИ ДИҚҚАТИГА

Лекторлик маҳорати университетининг навбатдаги машғулоти 14 февраль куни соат 16.00 да Марказий В. И. Ленин музейининг Тошкент филиалида бўлади.

Редактор
С. М. КАРОМАТОВ.

ЗТошкент бет ОқшомиЗ

13 ФЕВРАЛЬ, 1980 й.

ТО Справкалар бюроси

ХАТЛАРГА ЖАВОБ БЕРАМИЗ

Р. ОДИЛОВ: Меҳнат дафтарчасининг дубликати қандай олиниши мумкин?

Жавоб: Меҳнат дафтарчасини ёки унинг иловасини йўқотган киши бу ҳақда дарҳол охирги иш жойидаги корхона, муассаса ёки ташкилот маъмуриятини хабардор қилиши керак.

Бундай ариза тушганидан кейин 15 кундан кечиктирмай маъмурият унга янги Меҳнат дафтарчаси ёки илова бериб биринчи саҳифасининг юқоридан ўнгдаги бурчагига «дубликат» деб ёзиб қўйиши лозим. Меҳнат дафтарчасининг дубликати умумий қоидаларга биноан тўлдирилади. Дубликатни тўлдириш вақтида «Иши тўғрисидаги маълумотлар», «Тақдирлаш ва мукофотлаш тўғрисида»ги маълумотлар бўлимларига охирги иш жойидаги иши, тақдирланишлари ва мукофотланишлари илгари чиқарилган буйруқлар ва фармойишлар асосида ёзилади.

∴∴∴

В. ҚОДИРОВ: Физкультура даволаш диспансери қаерга жойлашган?

Жавоб: Физкультура машқлари, махсус массаж билан саломатлигини тиклашга интиқмандлар Бешёғоч бозори ёнидаги физкультура даволаш диспансерига мурожаат қилиши зарур.

∴∴∴

Д. ИКРОМОВ: Вояга етмаган гувоҳларни ҳам сўроқ қилиш мумкинми?

Жавоб: Вояга етмаган гувоҳни сўроқ қилиш ҳақиқатни аниқлаш манфаатлари талаб қилган ҳолларда, суднинг ажрими билан, судланувчининг иштирокисиз ўтказилиши мумкин. Судланувчи суд залига қайтиб киргандан кейин унга ўзининг йўқлигида гувоҳнинг берган кўрсатувлари маълум қилиниши ҳамда шу гувоҳга савол беришга имкон берилиши лозим.

Ўн олти ёшга тўлмаган гувоҳ сўроқ қилиниб бўлгач, суд бу гувоҳнинг маслиҳатини залида қолиши зарур ҳисобланганидан ташқари ҳолларда маслиҳатини керак.

∴∴∴

Р. ХОЛОВ: Қандай ҳолларда фарзандликка олиш бекор қилинади?

Жавоб: Фарзандликка олинганларнинг манфаатлари талаб қилган ҳолларда, фарзандликка олишни ҳақиқий эмас деб таниш ва бекор қилишга суд тартибида йўл қўйилади.

Фарзандликка олинувчи ўн ёшга тўлган бўлса, фарзандликка олишни ҳақиқий эмас деб таниш ёки бекор қилишда унинг хоҳиши ҳисобга олинади. Агар ишни кўриш вақтида фарзандликка олинган бола вояга етган бўлса, фарзандликка олиш фарзандликка олган, фарзандликка олинган ва унинг ота-онасининг берган розиликлари билан ҳақиқий эмас деб танилиши ёки бекор қилиниши мумкин.

∴∴∴

В. АҲМЕДОВ: В. И. Ленин майдонидаги Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг редакциялар корпуси биноси қачон қурилган?

Жавоб: Пойтахт ҳуснига кўрк қўшиб турган бу бино Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 50 йиллик юбилейи арафасида фойдаланишга топширилган. Бино лойиҳасининг муаллифлари Р. Блезз, А. Горвенко, Ф. Ганиев, Б. Маринич ва бошқалар. Қурилиш-монтаж ишларини 11-«Висотстрой» трести бинокорлари амалга оширишган.

СУРАГАН ЭКАНСИЗ... ГАЗЕТХОН САВОЛЛАРИГА ЖАВОБ

Н. ҒОЗИЕВА, А. БАДАЛОВА: Бизларга меъда шираси кислоталилигининг ошиши нормада бўлган ва меъда шираси кислоталиги ошиб кетган сурункали гастритда қандай парҳезга риоя қилиш тўғрисида маълумот берсангиз.

Оқшомхонларнинг бу саволига Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш министрлиги ўлка медицина илмий-тадқиқот институти клиникасининг бўлим мудири, медицина фанлари кандидати **Носир Қосимов** қўйидагича жавоб беради:

— Шуни айтиш керакки, **меъда шираси кислоталилигини ошиб кетган сурункали гастрит** кўпинча ёшларда учрайди. Бунда бемор аччиқ кекиришдан, жигилдон қайнашидан, кўкрак остининг ачишишидан шикоят қилади. Баъзан қорин дам бўлиб, қайт қилади, оғриқ овқат егандан кейин маълум вақт ўтгач пайдо бўлади. Бемор парҳезни бузиб, ёғли овқатларни еса, кофе, спиртли ичимликлар ичса оғриқ кучаяди ва касалликни даволаш қийин бўлиб қолади.

Касалликда парҳез муҳим аҳамиятга эгадир. Бемор сутли таомлар, пиширib, эзилган сабзавотлар, қотирилган оқ нон, печенье, творог, тухум, сут, сариёғ ейиши керак. Овқатни оз-оздан, тез-тез еб туриш лозим. Икки— уч ҳафта ўтгач, қайнатиб пиширилган товуқ гўшти, олма ейиш, кисель ичиш мумкин. Кейинчалик гастритнинг турига қараб махсус парҳез буюрилади.

Меъда шираси кислоталилиги ошиб кетган сурункали гастритда эса сабзавотли шўрва, сергўшт, аччиқ ва шўр таомлар ейиш тавсия этилмайди. Бунда Смирновск, Боржоми минерал сувлари ичиш буюрилади. Беморга Железноводск, Боржоми, Жермук, Трускавец, Карлови Вари каби курортларга бориш тавсия этилади.

Меъда-ичак касалликларининг, жумладан гастритнинг олдини олиш учун ўз вақтида сифатли, витаминларга бой овқат ейиш, оч қолмаслик керак. Спиртли ичимликларни иложи борича ичмаслик, тамаки чекмаслик лозим. Оғизни тоза тутиш, оғриқ тишларни даволатиш, организмдаги инфекция ўчоқларини йўқотиш керак. Айниқса, мева, сабзавотларни ейишдан олдин яхшилаб ювиш зарур. Овқатланишдан олдин ва овқатланиб бўлгандан кейин қўлни ювиш ҳам муҳим аҳамиятга эгадир.

* * *

Р. ҚУДРАТУЛЛАЕВ, Ш. ИНОҒОМОВА: Баъзи болаларнинг тез-тез лаблари ёрилиб, пўст ташлайди. Шунингдек, бундай болаларда оғиз бурчакларининг бичилиши ҳам кузатилади. Бундай ҳолларда қандай муолажа қилиш керак?

ЖАВОБ: Лабларнинг ёрилиб, пўст ташлашига одатда лабни ҳаддан ялайвериш сабаб бўлади. Болаларни оғзини қўли ёки енги билан эмас, балки тоза рўмолча билан артишга одатлантириш лозим. Кечқурун ўринга ётишда оғиз бурчакларини чой содаси ёки танакорнинг илиқ эритмасида (бир стакан илиқ сувга бир чой қошиқ сода ёки танакор қўшилади) ҳўлланган пахта билан артиш ва лаб бичилган жойга (чақага) бирор ёғли крем ёки танакор қўшилган ёғли крем (ярим чой қошиқ танакор бир ош қошиқ кремда қорилади) суртиш тавсия этилади.

* * *

С. ҲАМИДХЎЖАЕВ: Қовоқлар четига чиқадиган говмижжа киши организмидаги бирор касаллик белгисими? Шу ҳақда маълумот берсангиз.

ЖАВОБ: Говмижжа қовоқлар четидаги ёғ безларининг йиринг бойлайдиган ўткир яллиғланиш касаллигидир. Уни микроблар тарқатади. Бу касаллик кўзни қўл билан ишқалаш, кир рўмолча ёки кир сочиқ билан артиш ва ҳоказолар натижасида келиб чиқади.

Кам қонли, соф ҳавода камдан-кам вақт бўлиш, организмнинг витаминларга ёлчимаслиги кўзга говмижжа чиқишига сабаб бўлади.

Говмижжа қуйидагича бошланади: дастлаб қовоқнинг четида қитмак жой шишиб, безиллайди, қизаради. Баъзан соғлом қовоқ ҳам шишади. Шиш бир неча кун давомида катталашиб, ўртаси йиринг бойлайди, кейин тешилиб йиринг чиқади. Ана шундан кейин говмижжа битиб кетади. Бу жуда озор берадиган касалликдир. Говмижжа баъзида такрор-такрор чиқади.

Говмижжанинг олдини олиш учун гигиена қоидаларига риоя қилиш, витаминларга, хусусан А, С ва В группасидаги витаминларга бой бўлган овқатлар ейиш, ширинликлардан, хусусан асал, конфет ва шу кабилардан ўзни тийиш зарур.

Говмижжа энди чиқаётган бўлса ҳам барча косметик муолажалар батамом тўхталиши керак.



Шаҳримиздаги Марказий аптекада ўз ишининг устаси бўлган доришунослар ишлашади. Уларнинг меҳнати заргар касбидан ҳам нозик, беморларга белгиланган дори-дармонларни вақтида тайёрлаб беришдир.

СУРАТДА: дори тайёрлаш бўлими мудири ўринбосари Х. Тошпўлатова ва ассистент М. Еқубжоновалар рецептлар бўйича тайёрланган дориларни кўздан кечиришмоқда.

М. Нурмуҳаммедов фотоси.

ТАНИШИНГ, «МИТАРБИ»

БОРЖОМИ (Грузия ССР). «Боржоми» ишлаб чиқариш бирлашмасининг конвейеридан оламга машҳур минерал сув билан бир қатор)да янги «Митарби» минерал суви ҳам туширib олина бошланди.

Унга Боржомидан олис бўлмаган ерда Жавахет тоғ чўққиси этакларида топилган янги булоқнинг номи билан шундай деб ном берилди. Мутахассисларнинг фикрича, «Митарби» «Ессентуки» минерал суви каби шифобахш хусусиятларга эга. Орадан кўп ўтмай янги минерал сув мамлакатимиз шифохоналарига етказиб берилади. Бирлашма бу йил 50 миллион шиша «Митарби» минерал сувини ишлаб чиқаради.

(ТАСС).

Санъатнинг сеҳрли оламида

ЛЕКТОРИЙ ТАШКИЛ ЭТИЛДИ

Ўзбекистон ССР Давлат санъат музейида В. И. Ленин туғилган кунининг 110 йиллигига бағишлаб тасвирий санъат лекторийси ташкил этилди. Лекторий тингловчилари биринчи машғулотда совет санъати тараққиётининг асосий босқичлари билан танишдилар. Кейинги лекция эса Ленин мукофоти лауреати бўлишга сазовор бўлган рассомларнинг ҳаёти ва ижодига бағишланди.

Тасвирий санъат нхлосмандларига ғоят манзур бўлган ана шу лекторий машғулотларн апрель ойининг охиригача ҳар якшанба куни ўтказилади. Тингловчилар учун Ўзбекистон халқ амалий санъати, тасвирий санъати ва ҳайкалтарошлигига бағишланган лекциялар уюштирилади. Шуниингдек, улар республикамиз рассомларининг қатор асарлари билан яқиндан танишадилар.

Хамкорларимиз хизматида

ТАЖРИБАЛИ ЧЕВАРЛАР ЁРДАМИДА

Кўпчилик аёлларимиз кийим-кечакларни тикишни билишади. Лекин уларнинг баъзилари либосларнинг фасонларини танлашга гоҳида қийналиб қолишади. Бундан ташқари чиройли газламани кўнгилдагидек қилиб бичиш ҳам ҳар бир кишидан маҳорат талаб қилади. Бордию, аёлларимиз орасида шундай аёллар «Сервис»нинг Марказий уйи ҳузуридаги «Ўзингиз тикинг» салонига ташриф буюришса шунинг ўзи кифоя. Тажрибали ишчи аёлларга фасон танлашда ва газламани бичиб беришда беминнат ёрдам беришади. Шуниингдек, шу ернинг ўзида буюртмачи ўз кийимини тикиб олиши мумкин.

«Ўзингиз тикинг» салони соат 9 дан 18 гача ишлайди. Дам олиш кунлари— шанба ва якшанба. «Сервис» Марказий уйи диспетчерлиги дам олиш кунисиз ҳар куни соат 8 дан 20 гача ишлайди.

Уй—рўзғор ташвишида

МЕБЕЛНИ АРТГАНДА

Баъзан ёш болалар мебелларга тегиб, уни доғ ва кир қилишади. Агар сиз қизил дарахтдан ясалган мебелнинг рангини очмоқчи, унинг доғ ва кирларини кетказмоқчи бўлсангиз қариқиз (репейник) мойидан фойдаланинг. Бунинг учун репейник мойини майин латтага шимдирасиз-да, мебелни оҳисталик билан ўтасиз, у янгидек яркқиллаб очилади.

СССР ДАВЛАТ МЕҲНАТ ОМОНАТ КАССАЛАРИ ХИЗМАТИДАН ФОЙДАЛАНИНГИЗ!



ДАВЛАТ МЕҲНАТ ОМОНАТ КАССАЛАРИ АҲОЛИГА ЎЗ ОРТИҚЧА ПУЛ МАБЛАҒЛАРИНИ САҚЛАШ ВА ПУЛ ҲИСОБ-КИТОБЛАРИНИ ЮРИТИШ ИМКОНИНИ БЕРИШ БИЛАН БИРГА ОМОНАТЛАРНИ ЖАМҒАРИШ ВА УЛАРДАН СССР ХАЛҚ ХЎЖАЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МАҚСАДЛАРИДА ФОЙДАЛАНИШГА КЎМАКЛАШАДИ.

ОМОНАТ КАССАЛАРИ ҚУЙИДАГИ ОПЕРАЦИЯЛАРНИ БАЖАРАДИ:

пулларни омонатга ўтказиш учун қабул қилади ва омонатчининг биринчи талаби биланоқ уларни қайтариб беради;

омонатчининг топшириғига кўра омонатларни ва нақд пулларни бир омонат кассадан бошқа омонат кассаларига ўтказади;

аккредитивларни беради ва тўлайди;

давлат 3 процентли ички ютуқли заём облигацияларини сотади ва сотиб олади;

давлат заёмлари облигациялари ва лотерея билетларига чиққан ютуқларни тўлайди;

аҳолининг узоқ муддат фойдаланиладиган буюмлар олишда магазинлар билан ҳисоб-китоб юритиши учун уларга ҳисоб чеклари беради;

омонатчининг топшириғига кўра бир маротаба ёки узоқ муддат мобайнида нақд пулсиз ҳисоб-китоб ишларини бажаради.

Ҳамма омонат кассалари (агентликлардан ташқари) квартира, коммунал хизмат ҳақи ва бошқа тўловларни қабул қилади.

САЁҲАТГА ЧИҚИШ УЧУН ПУЛЛАРНИ ОМОНАТ КАССАЛАРИДА ЖАМҒАРИШ МУМКИН



Ҳар бир меҳнаткаш омонат кассалари хизматидан фойдаланган ҳолда мунтазам взнослар тўлаб бориш йўли билан омонат кассада туристик саёҳатлар, курорт, дам олиш уйларига бориш учун зарур миқдорда пул маблағлари жамғариши мумкин.

ОМОНАТ КАССАЛАРИ ТАЛАБ ҚИЛИБ ОЛИНГУНЧА САҚЛАНАДИГАН, ШОШИЛИНЧ, ЮТУҚЛИ, ШАРТЛИ ВА ЖОРИЙ СЧЕТЛИ ОМОНАТЛАРНИ ҚАБУЛ ҚИЛАДИ.

Талаб қилиб олингунча сақланадиган омонатлар бирмунча кенг оммалашган. Омонат эгаси бу омонатларни хоҳлаган вақтда кўпайтириши ва истаган пайтда бир қисмини ёки бир йўла ҳаммасини олиши мумкин.

Бу омонат бўйича даромад йилига 2 процент ҳажмда белгиланган. 6 ойдан кам бўлмаган муддатга қўйилган омонат—шошилинч омонат ҳисобланади. Бу омонатга омонат кассада сақлаш олти ойлик муддати ўтгач, унга йилига 3 процент ҳажмида даромад тўланади.

Омонатчи шошилинч омонатни олти ой ўтказиб эмас, балки олдин ҳам олиши мумкин. У ҳолда омонатчига талаб қилиб олингунча сақланадиган омонатдагидек йилига 2 процент даромад тўланади.

Шарт қўйиб топшириладиган омонат—шартли омонат саналади. Ана шу шартнинг бажарилиши билан бу омонат ўз эгасига қайтарилиши мумкин.

Шартли омонатларга ҳам даромад талаб қилиб олингунча сақланадиган омонатлар сингари йилига 2 процент ҳажмида тўланади.

Ютуқли омонатларда бошқа турдаги омонатлардан фарқли ўлароқ омонат эгалари даромадларни ютуқлар формасида олишади. Ютуқли омонатлар бўйича ютуқлар тиражи йилда икки марта—апрель ва октябрь ойларида ўтказилади. Ана шу тиражларнинг ҳар бирида ютуқли омонатларнинг ҳар минг счёт номерига 25 та ютуқ ўйналади, жумладан, 200 процентли — бир ютуқ, 100 процентли—икки ютуқ, 50 процентли—икки ютуқ ва 25 процентли 20 та ютуқ ўйналади.

Жорий счёт омонатларининг талаб қилиб олингунча сақланадиган омонатлардан фарқи шуки, уларга омонат дафтарчалари ўрнига чек ва ҳисоб-китоб дафтарчаси берилади. Жорий счёт очган омонатчи хоҳлаган одами номига чек ёзиб бериш ҳуқуқидан фойдаланади.

Ишчи ва хизматчилар иш ҳақининг бир қисмини, мукофотларни, шунингдек пенсияларни омонат кассаларига омонатлар бўйича нақд пулсиз перечисления йўли билан счётга ўтказиш пул маблағлари жамғаришнинг энг самарали формаларидан биридир. Бу — омонат кассаларига бормасдан туриб пулларни омонатлар бўйича счётга қўйиш имконини беради. Бунинг учун корхоналар, ташкилотларнинг ҳисоб-китоб бўлими ёки пенсияларни тўловчи органларга ҳар ойда омонат кассага ўтказиладиган пул миқдори, омонат касса номери, унинг адреси ва шахсий счёт номери кўрсатилган (агарда илгари шахсий счёт очилмаган бўлса, янги деб кўрсатилсин) ариза бериш зарур.

Омонат кассага биринчи маротаба берилганда омонатга ўтказилган пул омонатчининг омонат дафтарчасига ёзиб қўйилади.

Совет давлати омонатларнинг сир сақланиши, уларни муҳофаза этиш ва омонатчининг биринчи талаби биланоқ жамғармаларни қайтариб беришни гарантиялайди.

КВАРТИРА, КОММУНАЛ ВА БОШҚА ХИЗМАТ ҲАҚЛАРИНИ ОМОНАТ КАССАЛАРИ ОРҚАЛИ

ПУЛСИЗ ҲИСОБ-КИТОБ ҚИЛИШ ВАҚТИНГИЗНИ ТЕЖАЙДИ

Ҳар бир оила квартира, электр, газ, телефон, боғча ва ясли, болаларнинг музика мактабларидаги ўқиши ва ҳоказолар учун ҳақ тўлаш юзасидан ой сайин омонат кассаларга мурожаат этади.

Бироқ, бунинг учун омонат кассага шахсан бориб овора бўлиш шарт эмас. Вақтни тежаш мақсадида сиз ўзингиз омонатчи бўлиб турган омонат кассага ҳар қандай тўловларни ўз шахсий счётингиздан муассасалар, корхоналар ва ташкилотлар фойдасига перечисление йўли билан ўтказиш ҳақида топшириқ беришингиз мумкин.

Тўловларни омонатдан перечисление йўли билан ўтказиш учун бир мартага топшириқ бериш ёки узоқ муддатга — квартал, йил ёки топшириқ бекор қилингунга қадар топшириқлар бериш мумкин.

Нақд пулсиз ҳисоб-китоблар ҳақидаги топшириқларни расмийлаштириш учун зарур бланкаларни истаган омонат кассасидан олиш мумкин.

Омонат касса орқали нақд пулсиз ҳисоб-китоб юритиш—тўловлар тўлашнинг энг қулай формасидир. У тўловларни ўз вақтида тўлаш имконини яратади ва тўловчидан нақд пул билан ҳисоб-китоб юритишга қараганда ниҳоятда кам вақт сарфлашни талаб этади.



ОМОНАТ КАССА ҲИСОБ ЧЕКИ

— АҲОЛИНИНГ МАМЛАКАТИМИЗ ИСТАГАН ШАҲРИДАГИ МАГАЗИНЛАРДАН ХАРИД ҚИЛИНАДИГАН МОЛЛАР УЧУН ҲИСОБ-КИТОБ ЮРИТИШИДА ЭНГ ҚУЛАЙ ФОРМАДИР



СССР Давлат меҳнат омонат кассалари ҳисоб чеклари билан магазинлардан сотиб олинадиган саноат моллари учун ҳисоб-китоб юритиш жуда қулайдир. Бундай чеклар билан қиймати 200 сўм ва ундан ортиқ исталган молларга ҳақ тўлаш мумкин. Ваҳоланки, чек эгаси моллар харид қилиш учун ўз ёнида нақд пул олиб юриш заруратидан халос бўлади.

Ҳисоб чеки шахс номидаги пул маблағи ҳужжати саналади. Чек омонат бўйича ҳисобда сақланаётган ёки нақд пул ҳолида омонат кассага қўйилган маблағлар ҳисобига омонат касса томонидан 200 сўмдан 10.000 сўмгача берилиши мумкин.

Ҳисоб чекидан мамлакатимизнинг истаган шаҳар ва районидаги магазиндан моллар харид қилишда фойдаланиш мумкин. У икки ой мобайнида ўз кучини сақлайди.

Агарда қандайдир бир сабаб билан чекдан ўз муддатида фойдаланилмаган тақдирда уни ушбу ҳужжат берилган шаҳар ёки район марказий омонат кассасига қайтиб бериш лозим. Бундай ҳолларда чек эгасининг хоҳишига кўра у омонат счётига қўшиб қўйилади ёки нақд пул билан қайтариб берилади.

40 СЎМДАН 5 МИНГ СЎМГАЧА



1966 ЙИЛДА ЧИҚАРИЛГАН ДАВЛАТ 3 ПРОЦЕНТЛИ ИЧКИ ЮТУҚЛИ ЗАЕМ ОБЛИГАЦИЯЛАРИГА 40 СЎМДАН 5000 СЎМГАЧА ЮТИШ МУМКИН.

1966 ЙИЛДА ЧИҚАРИЛГАН ДАВЛАТ 3 ПРОЦЕНТЛИ ИЧКИ ЮТУҚЛИ ЗАЕМ ОБЛИГАЦИЯЛАРИ ПУЛ ЖАМҒАРМАЛАРИНИ САҚЛАШНИНГ ЭНГ ҚУЛАЙ ВА ФОЙДАЛИ ФОРМАСИДИР.

Заём облигацияларига ютуқлар тариқасида даромад тўлаб борилади. Бу ютуқлар ҳар йили ўтказиб келинаётган тиражларнинг саккиз тиражида ўйналади.

Заёмлар бўйича ютуқлар йигирма сўмлик облигацияларга 5000, 2500, 1000, 500, 100 ва 40 сўм (облигация қиймати билан бирга) миқдорида белгиланган. 10 сўмлик облигацияларга эса ютуқнинг ярми тўланади.

Ҳар бир тираждан кейин ютуқ ютиш имконияти ортаверади, хусусан тиражларда ўйналадиган ютуқларнинг миқдори заём муддати охиригача ҳеч бир ўзгаришсиз қолади, ютуқ чиққан облигацияларга ютуқлар тўланиши билан улар бошқа ўйинда чиқади ва келгуси тиражларда қатнашмайди.

Заёмга чиққан 50 сўмгача ютуқлар барча омонат кассалари, 500 сўмгача ютуқлар барча марказий омонат кассалари ва 1 разрядли омонат кассалари, 500 сўмдан ортиқ бўлган ютуқлар облигациялар экспертизадан ўтказилгач, марказий омонат кассалари ва 1 разрядли омонат кассалари томонидан тўланади.

Заём облигациялари омонат кассалари томонидан сотилади ва сотиб олинади.

ЗАЁМ ОБЛИГАЦИЯЛАРИНИ СОТИБ ОЛИНГИЗ!

ОМОНАТ КАССАЛАРИНИНГ АККРЕДИТИВЛАРИ— ЙЎЛДА ПУЛ САҚЛАШНИНГ ҚУЛАЙ УСУЛИДИР

Кўпларингиз вақти-вақти билан командировка, отпуска, туристик саёҳатларга чиқиб турасиз. Йўлда пулингизни эҳтиёт қилиб сақлаш учун омонат касса аккредитивидан фойдаланишни сизга маслаҳат берамиз.

Аккредитивлар 1000 сўмгача исталган суммада ёки 300 сўмга берилиши мумкин. 1000 сўмгача аккредитив бўйича пуллар дарҳол тўлиқ суммада тўланади. Агарда бундай аккредитив эгаси пулнинг фақат бир қисминигина олишни истаса, у ҳолда пулнинг қолган суммасига янги аккредитив берилиши мумкин. 300 сўмлик аккредитив бўйича эса пулнинг ҳаммасини ёки 100 сўмдан қисмларга бўлиб олиш мумкин. Аккредитивга қўйилган пулларни мамлакатимизнинг исталган шаҳар ва районидаги омонат кассаларидан олиш мумкин.

Аккредитив унинг эгаси ўз паспорти ёки паспорт ўрнига ўтувчи ҳужжатини кўрсатган тақдирдагина аккредитив берилган кундан эътиборан тўрт ой мобайнида омонат кассалари томонидан тўланади.



ЙИГИТ ВА ҚИЗЛАР!

Сизларнинг кўпларингиз Ватанимиз ҳушманзара жойлари бўйлаб мароқли туристик саёҳатларда бўлишни хоҳлайсиз.

Омонат кассалари бу хоҳишингиз рўёбга чиқишида сизларга ёрдам беради. Истаган омонат кассангизда счёт очинг ва уни мунтазам равишда ўз шахсий жамғармаларингиз билан бойитиб боринг.

Отпускангиз бошланиши даврига келиб счётингизда зарур миқдордаги маблағ тўпланиб улгуради.

Маблағларингизни пулсиз перечисление йўли билан омонатга ўтказиш формасидан фойдаланинг!

СССР ДАВЛАТ МЕҲНАТ ОМОНАТ КАССАЛАРИНИНГ ТОШКЕНТ ШАҲАР БОШҚАРМАСИ.

4 ТОШКЕНТ БЕШ ОҚШОМИ

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ», («ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ») — орган Ташкентского горкома КП Узбекистана и Ташгорсовета

БИЗНИНГ АДРЕС: 700000, Тошкент — ГСП, Ленин кўчаси, 41. ТЕЛЕФОНЛАР: секретариат — 33-57-02, бўлимлар: партия турмуши — 32-53-66; саноат 32-53-83; қурилиш — 32-58-85; шаҳар хўжалиги — 32-57-83; совет қурилиши ва ҳуқуқ — 32-54-19; фан мактаб ва олий ўқув юртлари—32-53-10; адабиёт ва санъат —32-56-81; ахборот— 33-28-95, спорт ва ҳарбий-ватанпарварлик ишлари — 32-58-85; хатлар — 33-29-70; эълонлар бўлими—33-81-42; нашриёт диспетчери 32-78-94; нашриёт телефон станциясининг навбатчилари— 33-90-50

13 ФЕВРАЛЬ, 1980 й. Р. 07075. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри. ИНДЕКС 64579. Нашр Б— 2054. 10